

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЪКЛОР ИСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳужудда
УЎК 821.512.133-1

ГАЙИПОВ ДИЛШОД ҚАДАМБАЕВИЧ

ОҒАХИЙНИНГ БАДИИЙ МАХОРАТИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР И ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма хукукида
УЎК 821.512.133-1

ҒАЙИПОВ ДИЛШОД КАДАМБАЕВИЧ

ОҒАҲИЙНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари доктори (DSc) диссертационен

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Ғайипов Дилшод Кадамбаевич Оғаҳийнинг бадий маҳорати	37
Ғайипов Дилшод Кадамбаевич Художественное мастерство Агахи	73
Gayipov Dilshod Kadambaevich Agahi's artistic mastery	77
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	77

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллий адабиётлар тараққиётида етакчи ўрин тутган ижодкорлар ҳаёти ва ижодий фаолияти, бадий маҳорати, ижодий лабораториясининг ўзига хос хусусиятлари, бадий асарнинг муайян халқ ёки башарият адабий-эстетик тафаккури тақомилдаги ўрни масалаларини белгилаш ва адабий меросини авлодларга етказиш барча халқлар адабиётшунослигида анъанавийлик ва издошлик нуқтаи назаридан муҳим илмий-назарий ва амалий моҳият касб этади. Бу эса бадий адабиётнинг кудрати ва имкониятларидан фойдаланган ҳолда инсоният маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган мавзулар кўламини бадийнинг энг баланд пардаларида ёритган истеъдодли адиблар ижодий меросини авлодларга етказиш ҳамма вақт долзарб аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади.

Дунё адабиётшунослигида, айниқса, ижодкор бадий маҳорати масаласини поэтик тафаккур тадрижи, муаллиф ижодий нияти ва унинг намоён бўлиш шакллари, жанр ва образ поэтикаси, бадий-эстетик идеалнинг ифода усуллари сингари умумназарий муаммолар уйғунлигида ўрганиш борасида эътиборга сазовор натижаларга эришилган. Шу сабабли ҳам ҳар бир миллий адабиёт ривожига алоҳида ўрин тутадиган мумтоз шoirу ёзувчилар ижодининг ўзига хосликларини яхлит тизимда ўрганиш, бу борадаги илмий тажрибаларни изчил тақомиллаштириш адабиётшунослик ривожига алоҳида ўрин тутаяди.

Сўнги йилларда ўзбек адабиётшунослигида мумтоз шoirу адиблар бадий маҳорати сирларини ўрганишда муайян илмий натижаларга эришилмоқда. “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”¹ экани ҳисобга олинса, ушбу илмий натижаларни замон талаблари даражасидаги янги тадқиқотлар билан бойитиш, жамият маънавиятини юксалтиришда улардан унумли фойдаланиш илмий эҳтиёж тақозоси экани янада яққол намоён бўлади. Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, шoir, муаррих ва таржимон Муҳаммад Ризо Отаҳий (1809-1874) бадий маҳоратини ана шу талаблар асосида тадқиқ этиш ҳам ушбу илмий зарурият маҳсули бўлиб, шoir лирик асарлари шу пайтга қадар бадий маҳорат нуқтаи назаридан монографик асосда махсус тадқиқ этилмагани фикримиз далилидир. Буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоийдан кейин ўзбек мумтоз адабиётини жаҳоний миқёсга юксалтириш ишига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад Ризо Отаҳий бадий маҳоратининг адабий-эстетик омиллари, шoir лирикасининг жанрлар поэтикаси ва образлар оламини ўрганиш, шу жиҳатдан, миллий адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан ҳисобланади. Улуғ шoir назмий меросини поэтик маҳоратнинг асоси саналган бадий санъатлар, қофия ва радифдан фойдаланиш маҳорати кесимида тизимли тадқиқ қилиш

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг муқтаҳам пойдевори. – Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор эътилофлари вақтлари билан учрашувдаги марузаси //Халқ сўзи, 2017. 4 август.

Докторлик (DS) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.DSc/F122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетига бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tai.uz) ва «ZiyoNet» Аxbорот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ҳақулов Иброҳим
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Кобилова Зебохон Бақировна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02.30.12.2019.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» *декабрь* соғи 10-даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчиси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зийлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» *ноябрь* да тарқатилди.
(2021 йил ___ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., академик
Илмий даражалар берувчи

Г. Барақасев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиб, филол. ф. н.

У. Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раёни, ўринбосари, филол. ф. д.



Nizami adina adabiyat institute (Ozarbayjon); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институты забон, шарқиноси ва мероси хатти ба номи Рўдакӣ (Тожикистон); Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Урганч давлат университетида олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида поэтика муаммоларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида бир қанча илмий натижаларга эришилган, жумладан: шеърлий жанрлар эволюцияси, генезиси ва тақомили аниқланган, мавзу ранг-баранглиги, бадий образ, ижодкор бадий маҳоратининг адабий-эстетик омиллари, шoir лирикасининг жанрлар поэтикаси очиб берилган, образ яратиш, бадий санъатлар, вазн ва қофия қўллаш маҳоратининг ўзига хос жиҳатлари тавсифланган, тасавуфий тимсол ва рамзлар маънолари изоҳланган ва бир бутун тарзда тадқиқ этилган (Ataturk Universitesi, Haci Bayram Veli Universitesi (Turkiya); Michigan davlat universiteti (AQSH); Nizami adina adabiyat instituti, Boku davlat universiteti (Ozarbayjon); Институты забон, шарқиноси ва мероси хатти ба номи Рўдакӣ, Садриддин Айний номидаги тожик давлат педагогика университети (Тожикистон); Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Урганч давлат университети).

Дунё шеършунослигида бадийят масалаларига янгича ёндашувлар асосида тадқиқ қилишнинг куйидаги устувор йўналишларида илмий изланишлар олиб борилмоқда: Шарқ мумтоз поэтикасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашни тақомиллаштириш, мумтоз шеърлий асарлар таҳлилга замонавий ёндашувни қучайтириш, тасавуф таълимоти, анъана ва ўзига хослигининг намоеён бўлиш мезонларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Поэтика муаммолари жаҳон адабиётшунослигида Арасту, Гегель, Д.Лихачёв, В.Виноградов, А.Потебня, В.Хализев, В.Храпченко ва бошқаларнинг асарларида ўрганилган. Бу олимларнинг изланишлари шу йўналишда амалга оширилган кейинги тадқиқотлар учун асос вазифасини ўтаган.

Дунё адабиётшунослигида Огаҳий ижодий мероси кўпгина олимларни кизиқтириб келган. Жумладан, туркиялик олим Феридун Текин ва америкалик Темур Кўжа ўғли тадқиқотлари диққатга сазовор.²

Ўзбек адабиётшунослигида Огаҳий ижодий меросини ўрганиш ва оммалаштириш ишлари ўтган асрнинг 40-йилларида бошланган. 1945 йилда Олим Шарафиддинов “Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси”га дасглаб

² Aḡehi dhiyari Tavrizh-i-āsiqinini monografiik tavsifi. Feridun Tekin/Anatürk Üniversitesi/Sosyal Bilimler Enstitüsü. Doktora Tezi. Türkiye. 2001. 269 s.Temur Kojayev. Ogaʻhiy va Ahmad Domsb. Turkistonda jadidchilik harakatiining yoʻlhoʻshchilari / “Ogaʻhiy – shoir, maorix, tarjimon”. navzansidagi Respublika ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Urganch, 2019. – B. 14-17.

адабиётшунослик кун тартибидagi устувор муаммолардан экани ҳам ушбу

диссертация мавзусининг долзарб эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалаларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда 2019 йил 20 мартдаги 238-сон “Муҳаммад Ризо Эрнийёбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабининг ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни иқтисодий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Шарқ мумтоз адабиёти, адабий мухитлар, анъаналар, мумтоз образлар кўлами, шеърятда қофия, рафиф, бадий санъатларнинг ўрни каби муҳим муаммоларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида, хусусан, Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Turkiya); Oxford, Kemberidj universitetlari (Buyuk Britaniya); Balx davlat universiteti (Afғoniston); Aligath Muslim University, Delhi University (Xindiston);

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/ac/ies>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nec.uchicago.edu>; <https://www.amu.ac.ir>; <https://www.uz.ac.ir>; <https://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr/tr>; <https://gazi.edu.tr>; <https://www.du.ac.in/du>; www.ias.msu.ru; <https://www.orientalstudies.az.ru>; <https://literatur.ac/?lang=aze>; <http://kaznu.kz/ru>; <http://www.orientalstudies.ru>; [www.orientalstudies.ru](https://www.ivran.ru); <http://www.orient.spbu.ru/>; <http://fza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovideniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://ishgiv.uz/ru/>; <http://www.sandm.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

шоирнинг тўртта ғазалини киритган⁴. 1948 йилда нашр қилинган “Ўзбек поэзиясининг антологияси”да шоир ҳақида қисқача маълумот, ғазаллари ва туюқларидан намуналар берилган⁵. Шоир девони нашр қилинган ва кейинги чоп этилган тўпламларда Огаҳий ижодига кўпроқ ўрин ажратилган⁶. Ўтган давр мобайнида шоир ижоди бўйича диссертациялар ёқланди⁷, шоир ижоди олий ўқув юртлири дарсликларига олиб кирилди⁸, алоҳида монография ва рисоалар чоп этилди⁹. Мазкур тадқиқотларда Огаҳий биографияси, таржима асарлари, шоир лирикасининг алоҳида жанрлари, мавзу кўлами ва бадиияти, тарихий мавзудаги асарларининг манбалари ва матний тадқиқи каби масалалар ёритилган. Ижодкор адабий меросига бағишланган илмий тўпламларда бошқа назарий муаммолар билан бир қаторда бадий маҳорат мавзуйига ҳам диққат қаратилган¹⁰.

⁴ Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1945.

⁵ Ўзбек поэзиясининг антологияси. – Тошкент, 1948.

⁶ Огаҳий. Таянган асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1960; Огаҳий. Тавизу-л-ошиқин (Нашрга тайёрловчи: Ш.Шарафиддинов). – Тошкент: Фанлар академияси, 1960; Ўзбек шеърятини антологияси IV жилд. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1961; Огаҳий. Асарлар (Нашрга тайёрловчилар: С.Дошматов, Ғ.Каримов) Олти жилдик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971-80; Огаҳий шеърятини. – Тошкент: Кўлемалар институти, 1983. – Б. 156-187; Огаҳий. Ўзбек адабиёти тарихи VI китоб. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 413-441; Айём: Огаҳий / Ўт чақнаган сарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 69-86; Мухаммад Рио Огаҳий. Ишқ аҳлининг тумори. Таянган асарлар. – Тошкент: Халқ мероси, 1999. – 320 б. Муносиб Огаҳий. Муносиб қоснинг ҳаёти (Нашрга тайёрловчи: Э.Очилов). – Тошкент: Ўзбекистон, 2013; Огаҳий Тавизу-л-ошиқин. – Тошкент: Мунгоз сўз, 2014; Огаҳий. Жамолнинг жилави (Нашрга тайёрловчи: Э.Очилов). – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

⁷ Мажирид Р. Огаҳий лирикаси: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 1961; Дошматов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 1963; Комилов Н. Мухаммад Рио Огаҳийнинг тарихий-илмий маҳорати: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 1970; Сафарбоев М. Огаҳийнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари: Фалсафа фан номз. дисс. – Тошкент, 1993; Ғанихўжаев Ф. Огаҳийнинг “Тавизу-л-ошиқин” девони ва унинг илмий-таърихий маъни: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 1998; Пиримқулов А. Огаҳий маснавийлари: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 1998; Матақубова М. Огаҳий ижодида сиёсий шеърини жанрлар: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 2000; Суллонова Қ. Огаҳийнинг “Тупшани давлат” асари адабий манба сифатида: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 2000; Холмиева Г. Огаҳий мусаммаллари Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 2000; Матақубова Т. Огаҳий шеърятини аънавий образлар талқини: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 2001; Ҳуснов А. Огаҳийнинг “Риёз ул-давлат” асарида ижтимоий-сиёсий лексика: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 2009; Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол”нинг ўзбек бадий-тарихий наصري таракқиётдаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи: Филол. фан, д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009; Ахмедова Г. Огаҳийнинг адабий-таърихий қарашлари: Филол. фан номз. дисс. – Тошкент, 2011.

⁸ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967; Jumaxo'ja N., Adizova I. O'zbek adabiyoti tarixi. Filologiya va tilning o'qitishi yo'nalishi bakalavriyat bosqichi uchun darslik. – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020. – B. 474-521

⁹ Муниров К. Огаҳий. Илмий ва адабий филолияти. – Тошкент: Фанлар академияси, 1959; Муносиб, Огаҳий ва Баёнларнинг тарихий асарлари. – Тошкент: Фанлар академияси, 1960; Каримов Ғ. Мухаммад Рио Огаҳий / Халқ, тарих, адабиёт. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977; Ғанихўжаев Ф. Огаҳий асарларининг таъсифи. – Тошкент: Фан, 1986; Ҳаққулов И. Огаҳий бадий ижод қонуниятлари ҳақида / Шеърят – руҳий муносиб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990; Жумахўжа Н. Феруз – маданият ва санъат ҳомийи. – Тошкент: Фан, 1995; Жумахўжа Н. Адицова И. Сўздин бақолроқ ёдгор йўқулар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995; Абдулғафуров А. Мухаммад Рио Огаҳий. – Тошкент: Халқ мероси, 1999; Огаҳий сирлари (мақолилар тўплами). – Фарғона, 1999; Исмомов И. Огаҳийнинг форсий мероси. – Тошкент: Мухаррир, 2012; Абдуллаев Х., Ахмедова Г. Бадий ижод Огаҳий илҳомида. – Тошкент, 2015.

¹⁰ Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон (Тўловчи ва нашрга тайёрловчи: Н.Жабборов). – Тошкент: Халқ мероси, 1999; Огаҳий абадиёти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999; Огаҳий олами. – Урганч: УрДУ, 2005; “Огаҳий шоир, муаррих, таржимон” мавзусидаги Республика илмий-назарий аниқлаштириш материаллари. – Урганч, 2019; “Muhammad Rizo Oghahiyning o'zbek mumtoz adabiyoti rivojida tutgan o'rn” mavzuidagi Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari. – Toshkent, 2020.

Ўзбек огаҳийшунослиги шаклланиши ва тақомилида В.Абдуллаев, Ғ.Каримов, С.Дошматов, Р.Мажирид, А.Хайитметов, А.Абдулғафуров, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, Ф.Ғанихўжаев, И.Ҳаққулов, Н.Жабборов, Х.Болтабоев, Н.Шодмонов, Н.Жумахўжа ва бошқа олимларнинг ўрни катта. Жумладан, ушбу тадқиқотларда Огаҳийнинг бадий ижод қонуниятларига доир қарашлари¹¹, Огаҳий ва Ферузнинг устоз-шогирдлик мақоми¹², шоир бадий оламнинг айрим қирралари¹³, ижодкор бадий маҳорати, истеъдоднинг қамолга етишув омилилари¹⁴, адиб истеъдоднинг ноёб қирралари¹⁵, шоир лирикасида шеърини санъатларнинг ўрни¹⁶, шоирнинг адабий-эстетик ва маънавий-ахлоқий мезони, шеърятининг бадий қиммати ва фалсафий моҳлини, бадий-тарихий асарларнинг кўлемлари, адабий манба сифатидаги ихтимоти¹⁷ каби масалалар таҳлил этилган.

Мазкур тадқиқотларда Огаҳий бадий маҳоратининг айрим қирралари тадқиқ қилинган ҳамда лирик асарлари бадийлигига доир аҳамиятли илмий қарашлар билдирилган. Лекин шоир бадий маҳорати алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ушбу диссертация ижодкор бадий маҳоратини монографик асосда алоҳида баҳолаш ва баҳолаш билан юқоридagi илмий ишлардан фарқ қилмади.

Тадқиқотнинг диссертация баҳолаш ва баҳолаш мундарижининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч давлат университетининг “Ўзбек адабийшунослигининг асосий муаммолари” мавзусидаги истиқболли режага асосан баҳолаш қилинган. **Тадқиқотнинг объекти.** Огаҳийнинг “Тавизу-л-ошиқин” девонининг Ур.Ф.АШИ кўлемалар хазинасида сақланаётган ва нашр этилган мусаммалари тарихий асарларидаги шеърини парчалар тадқиқот объекти қилинган. **Тадқиқотнинг предмети.** Огаҳий бадий маҳоратининг адабий ва эстетик омиллари, шоир лирикасининг жанрлар поэтикаси, образ ирради, бадий санъатлар, қофия ва радиф кўллаш маҳорати каби масалалар илмий таҳлил предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади Огаҳий бадий маҳоратини лирик жанрлар поэтикаси, шоир шеърятининг образлар олами, бадеъ, қофия илмларининг ижодкор асарларидаги поэтик ифодасини кўрсатишдан иборат.

¹¹ Ҳаққулов И. Огаҳий бадий ижод қонуниятлари ҳақида / Шеърят – руҳий муносиб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.

¹² Жумахўжа Н. Устоз-шогирдлик мақоми / Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. – Тошкент: Халқ мероси, 1999.

¹³ Абдулғафуров А. Мухаммад Рио Огаҳий. – Тошкент: Халқ мероси, 1999.

¹⁴ Валихўжаев Б. Шоирнинг бадий маҳорати / Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон. – Тошкент: Халқ мероси, 1999.

¹⁵ Абдуллаев Х. Ғазал жанр эрури – маъноий дур / Огаҳий олами. – Урганч: УрДУ, 2005; Жумахўжа Н. Огаҳий бадийлигининг ноёб қирралари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. №6.

¹⁶ Ҳожахўжаев А. Огаҳий даҳосининг олмас қирралари. – Тошкент: Халқ мероси, 1999.

¹⁷ Жабборов Н. “Иди анлоқ гавани нофиъдур...” // Шарк юлдузи, 2002, 3-сон. – Б. 150-151; шу муаллиф. Огаҳийнинг оғоқлик сирини // Табаққар, 2009, 2-сон. – Б. 58-68; яна ўша. “Фардасу-л-иқбол”нинг адабий-эстетик қиймати // Шарк юлдузи, 2010, 5-сон. – Б. 150-160; яна ўша. Огаҳийнинг адабий-эстетик ва маънавий-ахлоқий мезони / Огаҳий – шоир, муаррих, таржимон. – Урганч, 2019. – Б. 28-36; яна ўша. Oghahiy "Zabdat-tavorikh" asarining qo'lyozmalari va adabiy manba sifatidagi qimmat // Oltin bitiglar, 2019, 3-son. – B. 3-26; яна ўша. The manuscripts of the novel "Zabdat-tavorikh" by Aghahiy and its value as a source of literature. // Journal of Critical Reviews, Vol 7, Issue 6, 2020. – P. 220-226.

тафрик, танофур, тажрид, амр ва наҳий, таъриз, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ, хусни таълил, лаффу нашр каби санъатлар устувор экани аниқланган;

шоир муқайяд қофиянинг *равий, таъсис, риф, қайд, даҳил* каби барча унсурларидан ва мутлақ қофиянинг ҳамма турларидан, *зулқофиятайин, зулқавофий* сингари қофия санъатларидан усталаси билан истифода этгани аниқланиб, қофиядаги қусурлар ва радиф масаласи кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Огаҳийнинг бадий маҳорати юксалишида адабий анъананинг таъсири аниқланиб, ўзига хослик мезонлари кўрсатиб ўтилган;

шоир қўллаган шеърий жанрларнинг, деярли, барчаси таҳлилга тортилиб, улардаги шоир маҳорати очиб берилган, мавзу ва гоյ жаҳатдан тизимлаштирилган;

Огаҳийнинг мумтоз образдан фойдаланиш маҳорати, ўзига хослиги ёритилган;

шоир қўллаган бадий синъатлар, қофия ва радиф ижодкор тафаккур даҳосининг ҳамда бадий маҳоратининг муҳсули эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг шунингизининг **тадқиқот** юзасидан чиқарилган хулосалар эъло қилинган илмий ишларда ўз аксини топганлиги ва бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳолинишилиги, аниқ қўйилган муаммолар бир қанча усуллар ёрдамида ёритилишилиги, назарий хулоса ҳамда фаразларнинг амалиётга жорий этилишилиги билин изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, **Тадқиқот** натижаларининг илмий аҳамияти Огаҳий бадий маҳоратининг ядрий-эстетик омиллари аниқлангани, шоир шеъриятининг жанрлар поэтикаси, образ яратиш маҳорати ҳамда бадий санъатлар, қофия ва риффини фойдаланиш маҳорати тадқиқ қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий таълим муассасалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Мумтоз поэтика асослари”, “Огаҳийнинг поэтик маҳорати” каби дарслик ва қўлланмалар яратиш, маъруза, амалий ҳамда семинар машғулотлари ўтишда, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Огаҳийнинг бадий маҳорати” мавзусидаги тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан:

шоир бадий маҳорати туркий шеърий таъриз намояналари, хусусан, Алишер Навоийнинг адабий анъаналари асосида такомилга етгани, Огаҳий ижодидаги ошшқ, маъшук, рақиб, ориф, соқий, ринд, шамъ ва парвона каби образлар янги аспектда, тасаввуфий нуқтаи назардан ўрғанилгани, шунингдек, шоирнинг бадий санъатларни қўллашдаги услубий ўзига хослиги хусусидаги илмий далиллардан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилган ФА-Ф1-ГО39 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий комусларини яратиш” (2012-2016) фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 6 сентябрдаги 3/1255-2431-сон маълумотномаси). Натижада, Огаҳий Навоийнинг адабий

Тадқиқотнинг вазифалари:

туркий ва форсий шеърият анъаналарининг поэтик синтези мисолида Огаҳий бадий маҳоратининг адабий-эстетик омилларини аниқлаш, шоир ижодидаги анъана ва ўзига хосликни туркий ҳамда форсий адабиёт контекстида белгилаш;

Огаҳий ижодида ғазал жанрли маҳсус текшириш орқали шоир ижодида мазмун ва шакл уйғунлиги, тасвир ва ифоданинг ҳаққоний ҳамда аниқлиги, пафоснинг ҳаётлиги, ҳасби ҳол элементларидан моҳирона фойдаланиш тамойилларини, шунингдек, мусаммаат ва қасида жанрларининг шоир лирикасидаги бадий тадрижани кўрсатиб бериш;

ижодкорнинг мустазод ва таржибанд яратиш маҳорати ҳамда кичик жанрларда бадий шакл ва мазмун уйғунлиги муаммолари ҳамда шоирнинг бу жанрлардаги ўзига хослигини ойдинлаштириш;

шоир лирикасида образ поэтикаси масаласини ёритиш, ошшқ, маъшук ва рақиб ҳамда ирфоний образлар хусусиятларини белгилаш, ринд, ориф, соқий образлари орқали Огаҳийнинг тасаввуфий қарашларини очиб бериш; поэтик ифода маҳоратида бадий санъатлар, қофия ва радифининг ўрнини далиллаш, Огаҳий назмий меросида бадий санъатлардан фойдаланишда, қофия ҳамда радиф қўллашда ўзига хос ижодий ёндашилганини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-тархий, биографик, герменевтик, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Огаҳий бадий маҳоратининг адабий-эстетик омиллари туркий ҳамда форсий шеърият анъаналарининг шоир лирикасидаги бадий синтези тарзида намоён бўлиши, шоир ижодда салафларини ҳеч бир жиҳатдан тақрорламагани, балки поэтик такомилга етказгани, миллиятимиз бадий-эстетик тафаккурини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўша олгани ойдинлаштирилган;

шоир лирикасида жанрлар поэтикаси муаммоси ғазал, мусаммаат, қасида, мустазод, таржибанд, шунингдек, китъа, рубоий, чистон, туюқ ва муаммо сингари жанрлар кесимида баҳоланган;

Огаҳий лирик меросида бадий талқиннинг бутунлай ўзига хослиги, ижодий услуб огаҳиёна экани билан алоҳида ажралиб туриши аниқ мисоллар билан исботланган;

ижодкор шеъриятида, аслида, анъанавий ҳисобланган *ошшқ, маъшук* ва *рақиб*, шунингдек, ирфоний мазмун касб этувчи *ринд, ориф, соқий* образларининг тасаввуфий, бадий-ирфоний ва фалсафий моҳияти очиб берилган;

шоир лирикасида бадий санъатларнинг барча турлари – маънавий, лафзий ва муштарак санъатлардан маҳорат билан фойдаланилгани, жумладан, шеъриятида ақд, иттифоқ, иқтибос, маъхаби каломий, ташоих ул-атроф, ружуъ, тавзеъ, тарсий, Хусни маглаъ, тансиқ ус-сифот, издивож, саволу жавоб, нило, тақрир, мутақаррир, таҷоҳули орифона, талмех, ийҳом, таҷнис, тамсил, таносуб, тазод, тадриж, тарду акс, ташхис, тафрик, жамъу

анъаналари давомчиси ва янгиловчиси сифатидаги қарашлар, анъана ва ўзига хослик масалалари, ирфоний образлар поэтикаси, бадий санъатлар ва ижодкор маҳоратида доир янги назарий қарашлар, янги далил ва маълумотлар, янги илмий хулосалар билан бойитилган;

“Огаҳийнинг бадий маҳорати” тадқиқот иши доирасида ёзилган “Огаҳий шеъриятидаги кофия санъатлари ҳақида”, “Огаҳий шеъриятида ориф образи” каби бир қанча мақолалардан Хоразм Маъмун академиясида бажарилаётган А-ФА-2019-9 “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиокасиини яратиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 6 сентябрдаги 3/1255-2431-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа базасига киритилган қўлёзма ҳужжатлар тадқиқида бадий маҳорат масалаларида ҳам диққат қаратиш лозимлиги, бу муҳим самара бериши ўз исботини топган;

Огаҳий форсий тилда ҳам ижод қилган маҳоратли ижодкор эканлиги, у тасавуф шоири эмас, бироқ тасавуфий аҳкомларни юксак санъаткорлик билан шеърга солган қалам соҳиби бўлганлиги хусусидаги илмий натижаларидан Садриддин Айний номидаги Тожикистон давлат педагогика университетида фойдаланилган (Тожикистон давлат педагогика университетининг 2021 йил 15 февралдаги 15-сон делолатномаси). Натижада диссертация материаллари ва хулосаларидан университетда ўтиладиган “Шарқ халқлари тасавуф адабиёти”, “Шарқ мумтоз поэтикаси” фанларининг ўқув машғулотлари ҳамда шу университет олимлари яратган ўқув-услубий қўлланмаларида фойдаланилган;

шоир бадий иқтидори тақомилга етишида туркий ва форсий шеърятнинг ўрни улкан аҳамият касб этганлиги, анъанавий жанр ва мавзуларни янгилаганлиги, тимсол ва рамзлар ифодасида маҳорат қозонганлиги хусусидаги илмий натижаларидан Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг “Адабий муҳит”, “Ассалом, Хоразм”, “Мунаввар кун”, “Хабарлар” кўрсатувлари сценарийларини тузишда фойдаланилган (“Хоразм” телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 январдаги 65-сон маълумотномаси). Натижада Огаҳий бадий маҳорати юксалишида адабий анъананинг таъсири, шоир ижодининг ўзига хослиги, Огаҳий қўллаган шеърый санъатлардаги маҳорат масалаларини янада кенгрок ёритиш, шоир ижодидаги мавзу ва гоя, унинг мумтоз образлардан фойдаланиш маҳорати, кофия ва радиф қўллашдаги санъаткорлиги оммалаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 23 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 16 таси республика ҳамда 3 таси хориждаги илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 256 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар ширҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Огаҳий бадий маҳоратининг адабий-эстетик омилини ва унга низошлик тадрижи**” деб номланган. Бобда шоир бадий маҳоратининг адабий-эстетик омили ва Огаҳийга издошлик масалалари очиб берилган. “*Огаҳий лирикасида туркий шеърят анъаналарининг бадий сиймеси ва халқларга таъсири*” деб номланган илк фаслда шоир шеърятини анъанавийлик ва ижодий таъсир нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган.

Маълумки, ижодкор маҳорати икки адабий-эстетик омилни тинчиди: 1) истеъдод; 2) буюк саълафлар ижодий анъаналарини чуқур ўрганиши асосида уларни янгилай билиш салоҳияти. Огаҳий “Гавизи-и-ошиқини” девони дебوحасида Тангри таоло одамлардан “... баъзисининг тилин фикрдаг ва балоғат бобида нодир ва сўз ришгасига маоний жавоҳирин назм уларга қодир этган”¹⁸ ини ёзган эди. Шоирнинг ўзи ҳам ана шундай кам сонли нодир истеъдод эгаларидан.

Буюк саълафлар анъаналарини янгилаш бадий ижод тараққиғидаги узвийлиқни таъминловчи ҳодисадир. Зеро, “анъанавийлик — Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусияти ва ҳаракат йўли, унда умумий ўхшашлик ва такрор ҳам, янгилик ва кашфиёт ҳам бор. Шоирнинг мақсад ва интилишлари, эришган натижа ва муваффақиятлари гоҳо бир-бирига гоъда монанд”¹⁹. Дарҳақиқат, илгор дунёқараш, юксак тафаккур, теран ифода — ижодий ўзига хослик монандлик бағрида туғилади. Огаҳий ижодининг туркий шеърят анъаналари билан муносабати бунинг исботидир.

Маълумки, туркий шеърят бой тарих ва анъанага эга бўлиб, унинг ибтидоси ғазалда кўринади. Туркий ғазалнинг илк намуналари Носириддин Бурхониддин ўгли Рабғузий ижодида учрайди. Унинг йирик ҳажмли туркий насрий “Қисаси Рабғузий” асаридagi Юсуф киссаси таркибида келган ғазал туркий ғазалиётнинг илк намунаси сифатида эътироф этилади:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,

Кечти баҳман замҳарир киш, қолмади кори, бузи”²⁰.

¹⁸ Дебона, Муҳаммад Ришо Огаҳий. Таъвизи-и-ошиқини. — Тошкент: Фанлар академияси, 1960 — Б.28.

¹⁹ Иброҳим Ҳақул. Тасавуф ва Огаҳий шеърятини// Ўзбек тили ва адабиёти. 2019. №6. — Б.6.

²⁰ Рабғузий. Қисаси Рабғузий. — Тошкент: 1991. — Б.103-104.

Рабғузий Наврўз белгиси сифатида куннинг ҳамалга киришини кўрсатади. Натигада замхарир киш чиқмоққа мажбур бўлди, унинг қорю музи қолмади, деб бахор келганидан хабар беради. Огаҳий девонда ҳам Наврўзга бағишланган бир қанча шеър учрайди. Мана бу ғазалда бахорги тенгкунлиқнинг Рабғузийга хос талқини янгилангани кузатилади:

Кўёш заррин ғазоли кўргузуб юз хут дашгидин,

Ҳамал сарсабз бўстони ичида жилваийродуру.

Огаҳий *кўёшнинг заррин кийги, хут дашти, ҳамалнинг сарсабз бўстони* каби сифатлаш ва истиораларни уйғун қўллаш орқали Наврўз келганига ишора қилади. Кейинги байтда эса Наврўз султони ташрифи боис адолат мезони ўрнатилгани – туну кун вазида тенглик намён бўлгани ифодланади. Поэтик ифода ҳам, бадий тасвир ҳам, талқин ҳам янгиланади.

Шоирнинг бошқа бир ғазалида Наврўз: *“Қилиб ойини меҳр овоз Наврўз, Келиб қиш фаслин этти ёз Наврўз. Жаҳон сарто қадам файзу сафода, Бўлүб жсаннатга таънандоз Наврўз”*, дея янада кўтаринки руҳда тасвирланади. Натигада Огаҳий буюк салафи Рабғузий анъаналарини давом эттирибгина қолмай, янгилагани аён бўлади.

“Шакартек тил била оламини тутдим”, дея фахрия айтган Хоразмий “Муҳаббатнома” асарига ҳам ғазаллар ёзгани маълум. Саъдий Шерозий “Тулистон”и Сайфи Саройи таржимазининг Лейден университетига кутубхонасида сақланаётган бир қўлёзмаси таркибида Хоразмийга тегишли туркий ғазал бўлиб, у шундай бошланади:

Солди никоб чехратин ул турки ховарий,

Бўлди яна жаҳон юзи ойнатек орий²¹.

Ғазал мақъабида шоир тахаллуси ҳам келтирилган. Аслида, “шарк” маъносини англатувчи “ховарий” сўзи бу ўринда кўчма маънода, кўёш мазмунда келган. Огаҳийнинг мана бу ғазалида Хоразмий талқини поэтик тақомилга етказилгани кузатилади:

Эй, юзингдин мунфаъилдур офтоби ховари,

Вай дамнингдиндур хижил Исо дами жонпарвари.

Икки шоир байтларини “турки ховарий” ва “офтоби ховарий” образлари бирлаштириб турибди. Хоразмий “турки ховарий” деганда юзи Шарк кўёшидек нурли турк гўзалини таърифлаган бўлса, Огаҳий ёруғликда ёрнинг юзига ета олмаган Шарк кўёши хижолатда эканини хусни таълил орқали бетақрор бадий талқин этган. Табиийки, Огаҳий бадий тафаккури юксалишида бу каби анъаналарнинг таъсири бўлган.

Огаҳий, бундан ташқари, Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби туркий шеърят дарғаларининг асарлари билан таниш бўлган ва уларнинг ижодий анъаналарини муносиб давом эттирган. Чунки XV асргача бўлган туркий шеърятда тўпланган тажриба, эришилган ютуқлар мумтоз шеърят анъаналари мунтазам янгилашиб, ривожлантирилиб бориладиган далолат беради. Хусусан, анъананинг ғоявий, тип (образлар) ва бадий шакл каби

²¹ Ўзбек алабийети тарихи. 1-том. – Тошкент: 1978. – Б.188.

турлари кенг қўлланила бошлаган. Бу тамойилларнинг ифодаси Навоий номи билан боғлиқ XV аср ва ундан кейинги давр туркий шеърятда янада ёрқинроқ кўринади. Иккинчидан, анъана яшовчан адабий ҳодиса бўлиб, унинг асосида муштараклик ва ўзига хослик муносабати мужассамдир. Бу икки жиҳат билан бирга асар моҳияти ва ижодкор маҳоратини ўзига хослик, бетақрорлик белгилайди. Бадий ижод жараёнидаги бу тамойил биз фикр юртаётган анъанавийлик ҳодисасида ҳам яққол кўринади.

Хоразмлик шоирлардан Мажлисий, Мавлоно Вафо Вафойи, Умир Боқий, Равнак, Нишотий, Роқим, Киромий, Мунис, Огаҳий, Комил, Феруз, Табибий, Баёний, Мирзо, Ниёзий, Роғиб, Аваз, Девоний ва бошқа ижодкорлар Навоий анъаналарини давом эттирганлар, илҳом олганлар.

Огаҳий ижодида Навоий шеърятини руҳи яққол кўзга ташланади. “Муҳаммад Ризонинг шеъринг сирларини мукаммал эгаллаб йррик ижодкор сифатида камол топинида, сирларининг бадий етук ва ғоявий халқчил руҳ эгаллашида улуг Навоийнинг таъсири, айниқса, самарали бўлди”²². Аслида, бу таъсири шоирнинг ўзи ҳам *“Огаҳий, қим тошқай эрди сози назмингдин наво, Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навоисини санса?!”* – дея эътироф этади.

Алишер Навоий ёзади:

Гар аламинга чора йўқ, бўлмаси бўлмасун, негин?

Вар ғамима шумора йўқ, бўлмаси бўлмасун, негин?²³

Бу ғазал оҳангдорлик ва мазмун жиҳатдан унинг хосдир. Риод ул-матлаъ санъати талабига кўра, ғазалнинг биринчи мисраси мақъалди якунловчи мисра бўлиб тақрорланган. Огаҳий эса ушбу риодди мисмуми ни шакл жиҳатдан уйғун асар ярага олган. Шунингдек, у ҳам айнин риод ул-матлаъ санъатидан фойдаланган:

Ашқима гар қанора йўқ, бўлмаси бўлмасун, нетай?

Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаси бўлмасун, нетай?²⁴

Навоий ва Огаҳий ғазалларининг мавзу ва ғоявий йўналишида ҳам уйғунлик кузатилади. Шоирлар фикр ва қарашларида ҳам ўхшашлик бор.

Ишқ бу икки ижодкор девонларида асосий мавзу ҳисобланади. Навоий ёзади:

Эй Навоий, ишқ атворини хифз айлай деган,

Барча ишни тарк этиб, қилсин бизинг девонни хифз.

Огаҳий эса:

Огаҳий холини гар ишқ ичра билмак истасанг,

Чашми обрэг бирла дардангез девонимга бок, –

дейиш билан буюк салафи сўзига муносиб фикрни ифода этган.

Огаҳий улуг Навоий анъаналарини муносиб давом эттирган. Бу ижодий издошлик девонга дебоча битиши, татаббуъ, назира ғазалар ёзиш, мусамматнинг турли шаклларида ижод қилиши ва улардан тазмин сифатида

²² Абдурафуров А. Огоҳлар огаҳи / Атоқли шоир. тарихини, шайхони. – Тошкент: 1999. – Б.58-59.

²³ Алишер Навоий. МАТ. 2-том. Навоилар-ун нақоя. – Тошкент: 1987. – Б.557

²⁴ Огаҳий. Таъвишу-л-ошиқия. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – Б. 287 (кейинги мисоллар ҳам ушбу мисолдан олиниб, саҳифаси қавсда кўрсатилган).

мисралар олишида, тахмислар боғлаш, чистон, рубойи, китъа каби кичик жанрлар бадиятида кўринади

Огаҳий ижодида Фузулийга ҳам ҳамоҳанглик кузатилади. Фузулий туркий девоннинг дебочасида “Илмсиз шеър асоси йўқ девор каби ўлур ва асоссиз девор ғоятда безъгибор ўлур”,²⁵ – деб ёзган эди. Дарҳақиқат, шоир шеърятинида илмий-фалсафий тафаккур етакчилик қилади. Мусикийлик, оҳангдорлик, шунингдек, ўғуз лаҳжасига хос бўлган белги-хусусиятлар ҳам устувор. Фузулий шеърятиндан илҳомланган Огаҳий Хоразм шевасининг озарбайжон тилига яқинлигидан фойдаланиб, гўзал мисралар битган. Фузулий ижодида “Санга” радибли ғазал бор. Унга Мунис ҳам ўхшатма битган. Огаҳий эса куйидагича ёзади:

Ошиқ ўлдинг, э кўнгил, жонинг керакмасму санга,
Ўтга кирдинг жисми урёнинг керакмасму санга...

Огаҳий ҳолин кўриб доим тағофил қилгасен,

Шоирни донойи давронинг керакмасму санга (12).

Бу ғазалда шоир қалбини ўртаган ишқ “ўти” ғоят таъсирчан йўсинда қуйланган. “Шоирни донойи даврон”нинг қалб изтироблари баён этилган. Фузулийда ҳам ишқ ва ошиқлик фалсафий, тасаввуфий мазмун билан такомиллашиб борган.

“Тавъизу-л-ошиқин” девонидаги мухаммаслардан бештаси Фузулий ғазаларига битилган. Улар мазмун-моҳиятида ҳам, шоирларнинг ишқий, ижтимоий-фалсафий, тасаввуфий қарашларида ҳам ўхшашлик сезилади:

Жаҳон ахли на билсун, Огаҳий, меҳру вафо қадрин,

Билурму шاپараклар шом аро нуру зиё қадрин,

Не тонг гар билмас бедардлар завку даво қадрин,

Асири нафсдур, ахли жаҳон билмаз фано қадрин,

Фузулий, ишқ атвори санго онжақ мусалламдур (394).

Хуллас, ижодий таъсир истеъдод кирраларини ёлқинлатувчи, маҳорат куртакларини камолга етказувчи ходисадир. Фузулий ижоди ҳам Огаҳий шеърӣй иқтидорининг юксалишида маҳорат мактаби вазифасини ўтаган.

Шунингдек, ишда Огаҳий шеърятининг Комил Хоразмий, Феруз, Табибий, Аваз Ўтар, Девоний, Ниёзий, Роғиб, Сўфи, Мирзо, Баёний, Муъриб ва бошқалар ижодига таъсири ҳам муфассал ёритилган.

Бобнинг иккинчи фасли “*Огаҳий назмида форсий шеърят анъаналарининг поэтик такомилли*” деб номланган. Мумтоз шоирларнинг аксари туркий тил билан бир қаторда форсий тилда ҳам ижод қилган. Алишер Навоийнинг “Девони Фоний”, Огаҳийнинг “Тавъизу-л-ошиқин” девонидаги “Ашъори форсий”си ҳамда Аҳмаджон Табибийнинг “Миръот ул-ишқ” ва “Мазҳар ул-иштиёқ” девонлари бунинг исботидир. Гарчи ўзбек мумтоз адабиёти тарихида форс-тожик тилидаги девонлар у қадар кўп бўлмаса ҳам, бу тилда кўплаб ғазаллар, таърихлар, мусаммаглар битилган ҳамда туркий девонлар таркибига киритилган. Шунингдек, ўзбек адабиёти

намоёндалари асарлари мавзу ва ғоявий жиҳатдан ҳам форс-тожик адабиётига уйғундир. Жумладан, “Огаҳийнинг тожикча шеърлари ҳам ўз тематикаси, мазмуни ва бадий хусусиятлари билан ўзбекча шеърларидан қилинмайдиган юксак асарлар бўлиб, уларда ўша замон турмуш таассуроти инъикос эттирилган”.²⁶ “Ашъори форсий” тадқиқотчиси ва таржимони Маъназар Абдулҳаким таъкидлашди: “Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди кўплаб ижодкорлар қатори Огаҳий қалбини ҳам ром этган бўлиб, Огаҳий тафаккури теранлигини, фавқуллодда кўламдорлигини, мазмун кўпқатламлилигини Мирзо Абдулқодир Бедил таъсирининг ҳам самараси деб дидил айти оламыз”.²⁷

Огаҳийнинг форс-тожик тилидаги шеърларида Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий ва Бедил таъсири сезилади. Шоир форсий ғазалларининг аксарини ишқ мавзуда бўлиб, уларга риндона, орифона мавзулар ҳам уйғунлашиб кетган. Огаҳийнинг “Азми сайри боғ кун, эй гулгузор, омад баҳор”, матлаъли тилдан табиғат лирикасининг гўзал намунаси бўлса, “Эй дил, зи чарх ком тининчо мокун аёвас”, деб бошланувчи ғазали эса тасаввуфий мазмунда. Шоир мана бундйи ёзди:

Эй, забонам қарда дар бир чун инин номн туро,

Шуд дилам ойнадори рўйи гулфони туро,

Огаҳий ушбу мисраларда: Эй, тилим номини ушқ кишиб олган ёр, сенинг гулга ўхшаган юзинг учун менинг дилим кўнгу бўлиди, деб ёзди. Иккинчи байтда эса: Бир кун келиб, мен сенинг босганининг ушини муяссар бўлайин, тупроқдан ясалган жисмиمنى йўлингга гўбор қилганиمنى, дейди. Ушбу мисраларда ҳам шоир юксак бадий маҳоратини намоён этган. Ёр юзи учун ошиқ кўнгли кўзгу бўлиши, тупроқдан ясалган жисми маншукка йўлида гўбор қилиниши шоирнинг тасвирни янгилагани исботидир.

“Имшаб” радибли ғазалида ҳам ишқ ва ошиқлик ҳақида сўз боради:

Мададкори намуда ахтари бахтам маро имшаб,

Мунаввар гапг чашмаи аз руҳи он махлиқо имшаб.

Ғазал анъанавий таъсир билан бошланади. Бу кеча менга бахтим юлдузи мадад қилди, у махлиқо юзининг нуридан менинг кўзларим ёруғ бўлиб кетди, ундан айрилганда ўлимга рози бўлган эдим, унинг келиши билан ҳамма дардларимга даво етди, – дейди шоир.

Огаҳий май тимсоли билан боғлиқ қарашлари, зоҳид риёкорлиги ҳақидаги ғазалларида ринди Шероз – Ҳофиз Шерозий анъаналарини муносиб давом эттирган. Шоир зоҳидга: “Сен кимсени, ишқ жомининг майи нима? Майхонага кириб, ўзингни шарманда қилма”, – дейди. Огаҳий доим узлатда бўлишни ихтиёр этади. Қалб соқинини барча дардларга даво эканини таъкидлайди.

Форсий шеърят анъаналари давом эттирилиши шоир ғазалларининг ўзига хослигини, юксак бадиятини инкор этмайди. Чунки уларда жуда кўп

²⁶ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб – Тошкент: 1964 – б. 172

²⁷ Абдулҳаким М. Маъруфий жамоли. – Хива: Хоразм Маъруфий жамолининг тарихи, 1989 – б. 96.

бадий топилмалар қилинади, образлар поэтик тақомилга етказилади. Тадқиқотда бу илмий муаммо аниқ мисоллар асосида муфассал ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Шоир лирикасида жанрлар поэтикаси” деб номланган. Бу бобда мумтоз адабиётимизда қўлланган жанрлар шоир томонидан тақомиллаштирилгани ҳамда уларнинг поэтикаси тадқиқ этилган. “Ғазал – Огаҳий маҳоратининг асосий мезони” номли биринчи фаслда шоирнинг бу жанр ривожига қўшган ҳиссаси ёритилган.

Огаҳий – туркӣ мумтоз адабиётнинг Навоийдан кейинги йирик намоёндаларидан. Шериятнинг 20 дан зиёд жанрларидаги ижод намуначалари “Тавъизу-л-ошиқин” девонига жамланиб, поэтик меросининг асосини ташкил этди. Девон мундарижасини белгилловчи ғазаллар эса Навоий ғазалиёти каби “лирик кечинмалар қомуси”²⁸га айланди. Шоирнинг ўзбек тилидаги ғазаллари миқдори 447, форс тилидагиси 23 тани ташкил этади. Асосан ошиқона, шунингдек, орифона, риндона, маърифий, ижтимоий, фалсафий, табиат, ов тасвири мавзуларида ёзилиб, ғазал жанрини мавзу ва ғоявий жиҳатдан янги босқичга кўтаргандир.

Ғазал Огаҳий ижодида катта ўрин эгаллаши асло тасодифий эмас. Чунки ғазал ёзиш мумтоз адабиётимизда анъана тусига кирган бўлса, унинг тузилиши ва кўлами жуда ихчам, ўқиши ва эсда қолиши осондир. Шу боис ҳам мумтоз шоирларимиз ишқ-муҳаббат мавзусидан ижтимоий-фалсафий масалаларга умрбоқий ғазаллар битган. Ғазал жанри хусусида тожик адабиётшуноси А.Мирзаев, ўзбек олимлари Х.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, О.Носиров ва бошқалар ўз тадқиқотларида назарий фикрлар билдирган²⁹. Т.Бобоев: “Ўзбек адабиётида кўпинча 7, 9 байтги ғазалар яратилган” деса, Х.Умутов: “Ғазал 3 байтдан 19 байтгача бўлиши мумкин”лигини айтади³⁰. Огаҳийнинг “Тавъизу-л-ошиқин” девонидagi ғазаллар 6, 7 байтдан 18, 23 байтгача бўлган ҳажмда битилган.

Шоир ғазалларининг бош мавзуси – ишқ. “Салламно” радифили ғазалида Огаҳий ифодада, ғоявий ниятда шу қадар ўзига хосликка эришганки, кўллаб халафлари бу ғазалга пайравлар битган. Огаҳий ушбу ғазалида ёрнинг ҳар лаҳзада юз жон оладиган фаттон кўзлари, ҳар дам минг қон тўқадиган киириқлари, жаҳон бозорида ёқут ва гавҳарлар қадрини синдирган лаблари, ошиқнинг паришон қалбини бир жойга жам айлаган сочилган сочлари, қоронгу қулбасини ёритган юз нури, сарвақдларни қумри каби нолон этган қадди-қомати, Юсуфни ҳам хайратга солган малоҳатли юзлари, ўликни тириктирувчи сўзларига тасанно, салламно айтади. Ғазал байтлари шу қадар оҳангдор, бир-бирига узвий боғланганки, уларнинг ўрнини алмаштириш имконсиздир:

Олув хар лаҳза юз жон чашми фаттонингга салламно,

Тўқар хар дамда минг қон тиги мужтонингга салламно.

²⁸ Ҳоҷмаҳмодов А. Мумтоз бадийат маллоҳати. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 1999. – Б. 174.

²⁹ Мирзаев А.М. Рудаки и развитие гасела в X-XV вв. – Душанбе: 1958; Алишер Навоий. Хазойин ул-маъий. I-том. – Тошкент: 1959 (Сўзбоши муаллифи Х.Сулаймонов).

³⁰ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: 2002. – Б. 481; Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: 2004. – Б. 230.

Жаҳон бозорида синдириди ёқуту гуҳар қадрин,

Дурафшон нуқта бирла лаъли хандонингга салламно...

Огаҳий ушбу ғазалда ишқи мажозий тасвирига тасавуфий қарашларини ҳам уйғунлаштириб юборган. Ғазалнинг биринчидан еттинчи байтигача гўзал ёрнинг ташқи қиёфасино сўзлари бетакрор мисралар орқали тасвирланган бўлса, саккинчинчи, тўққизинчи, ўнинчи байтларида фикр тасавуфий мазмун-моҳият билан йўғрилган. Мақтабда шоир яна ўз аҳволини баён этади. Ниҳоят, поэтик фикрни бу каттик меҳнату машаққат ичида чиқмаган жонига салламно айтиш билан яқунлайди. Адабиётшунос Н.Жабборов фикрича: “Огаҳий наздида ёр васли Навоий тутумига монанд “пок юз воситаси билан пок ошиқнинг ҳақиқий маҳбуб жамолидин баҳра олиши”дир. “Висол шавқи” эса кўнглининг “пок юз шавқи-завқи билан беқарор бўлиши” деб тунунишмоғи керак”³¹.

Шоир девонида тўлигича дамрга муносабати акс эттирилган ғазаллар бир нечтани ташкил қилиди. “Даҳр қасриким...” деб бошланувчи ғазали шундай шерълар сирасига киришни:

Даҳр қасриким ҳақиқингда кўҳин айронвалур,

Они хар ким маскан этмик истиди денонвалур.

Саҳфида ер сарбасар ондин ётор гирди хитир,

Амнийтдин йўқ асар, ваҳ, на ажаб қоншонидур (103)

Шоир бу ғазалда ҳар бир инсонни бир шамъга қиёс этади. Улар ҳаёт ташвишида бошдан оёқ ёнаётган қиёфада тасвирланади. Кейинги байтларди фикр ривожлантирилиб, инсонларни “роҳат шамъи” агрофили ширинли бўлаётган “жон қуши”га қиёс этади. Шоир бу тарика давр, чарқи дун жибуру жафоларидан шикоят қилар экан, замондошлари қулфатларига чора толишини ўйлайди. Огаҳийнинг “Умр”, “Кўнгли” радифили ғазаллари ҳам бошдан оёқ ҳаёт фалсафасига йўғрилган.

Шоир ғазалиётида ҳасби хол руҳидаги шерълар ҳам бор. Буларда ҳам юқоридаги ҳолат кўзга ташланади. Тўлигича бир ғазал ҳасби хол руҳида ёки ғазалнинг баъзи байтларидагина ўз аҳволи баён этилади. Шоирнинг “Эй оқил, этма золи жаҳон бирла ихтилоғ”, “Эй кўнгли, афтодалиғ йўлин тутиб, оламдин ўт”, “Эй муалло, боргоҳинг арши аззам бўлди тут”, “Илоҳий, шохи одил муддати умрин фаронон эт”, “Кел, эй маҳзун кўнгул, хўй эт ғаму андуҳу қулфатга”, деб бошланувчи ва бошқи ўйлаб ғазалларини тўлигича фалсафий-дидактик ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Огаҳий бу каби ғазалларида умр ўтқинчилиги, оқиллар хору, жоҳиллар иситидалиги, айш-ишратга берилмаслик, ҳасад нуфокни касб қилмаслик ҳақида огоҳ этади, инсониятни жаҳолатга етакловчи иллатлардан қайтаришни, қилб тўшанигига даъват этади.

Огаҳий шериятда риндона гўшлар ҳам қўлиб учрайди. Ҳофиз Шерозий (1325-1388) шериятидан тасвирланши Огаҳийнинг бундай ғазалларига туртки бўлган. Маълумки, мий тасавуфий манаюда илоҳий ишқ рамзи. Шоир назарда тутган май тўла қандак на ундан сиккорини илоҳий

³¹ Жабборов Н. Илм андоғ танжи пофийдур... //Шарқ юлдузи, 2002, 3-сон. – Б. 131

ирфондан бахрамандликдир. Огаҳий ижодида ҳам шундай мисралар борки, улар гўёки шарият амалларига зиддай туюлади. Жумладан:

Кетури, соқий, қадаҳким, базмоҳ ийди курбондур,
Кўнгуллар майли айшу ишрат айларға фаровондур (125).

Ийди курбонда май ичиш гуноҳ иш, албатта. Бироқ яна тасавуф истилоҳларига назар ташлаб, мазкур байтда улуғ кунларда бандалар қалби илоҳий маърифатдан тўлиб тошин, кўнгуллар илму ирфонга ташна, деган ғоя илгари сурилганига гувоҳ бўламиз. Умуман, Огаҳий риндона мавзуда ҳам маҳоратини намоён этган.

Шоир ижодида табиат тасвири, ов сартушашглари тасвирланган ғазаллар ҳам учрайди. Баҳор келиши билан оламнинг яшнаши, гўзалликка бурканиши қаламга олиниб, табиат тасвиридан ижтимоий ҳаёт воқеаларига ўтилган ўринлар диққатталаб. Бу эса шоирнинг ҳар бир ғазалида Инсон муаммоси турганидан далолат беради.

Огаҳий ғазалиёти шакл, ҳажм ва мазмун жиҳатдан юксак бадийят намуналаридир. Шоир бу жанр мавзу доирасини кенгайтириб, анъанавий мавзуларни ижтимоий, фалсафий мазмун билан уйғунлаштирди. Ғазалларда ҳеч бир шоир шеърятига уярамайдиган образлар ва бадий топишмалардан фойдаланди. Ўзбек адабиётида кам учрайдиган 23 байтги ғазал битди. Огаҳий ғазаллари бу жанр тақомилига қўшилган мунособ ҳиссадир.

Бобнинг иккинчи фасли “Мусаммат ва қасида жанрларида шоир санъаткорлигининг намоён бўлиши” деб номланган. Бу фаслда Огаҳийнинг мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамман ва қасида жанридаги шеърлари таҳлилга тортилган.

Девонда ғазаллардан кейин мусамматлар берилган. Шоир ижодида мухаммас, мусаддас, мураббаъ, мусамманлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Огаҳий мухаммаслари сонини Ф.Ғанихўжаев 84 та, А.Абдуғафуров 90 та деб кўрсатади. Огаҳий мустақил мухаммаслар ёзиш билан бирга, улуғ Навоий ғазалларига ҳам тахмислар боғлади. Фузулий чашмасидан сув ичди. Шунингдек, Мунис, Диловар, Феруз, Амир, Хон, Вазир, Ғозий ғазалларига ҳам мухаммаслар боғлади.³² Шоир мухаммаслари шундан далолат берадики, у Шарқнинг улуғ шоирлари Навоий, Фузулий, Мунисларнинг бадий топишмаларига муносиб жавоб ёзган. Булук устозлари даражасида фикр айта олган. Мустақил мухаммаслари юксак санъаткорлик намунасидир:

Қаддим хабини сарви ситамкорима айтгинг,

Сабрим камини ғамзаси бисёрима айтгинг,

Кўзим намини кўзлари таррорима айтгинг,

Кўнглим ғамини, дўстларим, ёрима айтгинг,

Жоним аламин лаъли шакарборима айтгинг (350).

Огаҳийнинг иккита мураббаъси бор. Бири “Жамолнинг шавқида ёқти фалакни ўтлуғ афғоним”, иккинчиси “Ул паривашким, дилу жонимда ишқи доғидир” деб бошланади. Иккала мураббаънинг ҳам қофияланиш тартиби бир хил: а-а-а, б-б-б-а. Мураббаълар ҳажман катта бўлиб, биринчиси 15,

иккинчиси 9 банддан иборат. Огаҳий илк мураббаъда ёрга мурожаат қилар экан, ундан илтифотлар кутгани, ўз аҳволини баён этади:

Жамолнинг шавқида ёқти фалакни ўтлуғ афғоним,
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,

Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,

Нигорим, меҳрибоним, макрамаг тахтида султоним (402).

Ҳар банд охирида такрорланадиган “Нигорим, меҳрибоним, макрамаг тахтида султоним” мисраси шеърга янада жозибдорлик бахш этган. Бу мураббаъда маъшуқа ошиққа жабру жафо етказиши, афғон марҳаматлар қилиши, ёрнинг фироқи, қоронгу зиндонни ўзига маскан бўлгани, бир лажн ҳам меҳр-муҳаббат дилдордан зоҳир бўлмагани гўзал мисраларда ифода этилган.

Шоир мусамматларни жами 4 та бўлиб, 1 таси форс-тожик, 3 таси ўзбек тилидадир. Девондаги биринчи ва учинчи мусамман ишқий мавзуда бўлса, иккинчи мусамман эса бу дунё ўқинчилигин, умрнинг ғаниматлиги, кўнглини бу жаҳон хою ҳавасларига бермаслик, илм-ишрат тилаб ҳеч ким мақсадига етмаслиги ҳақидадир.

Огаҳийнинг девонда 19 та қасида бор. Уларнинг умумий ҳажми — 1002 байт. Хукмдорлар васфига бағишланган. Адабиётшунослар томонидан “Огоҳнома” деб шартли номланувчи қасидаси, илмисқа, дилқатга сивордир. Н.Жумахўжа Огаҳийнинг Ферузга бағишланган қасидани қўсувишда биссе юритиб: “Таасуфларким, ўтмиш маданий меросинингнинг улкин бўлиши билан биргаликда, мумтоз қасидачилик ҳам сиёсат ва мафзури қурбони бўлиб келди. Биз гўзал миллий қасидаларимизни, улар феодал ҳукмдорларга мадҳу сано йўлида ёзилган, бутун ва келажак учун яроқсиз нарсалар, деб қарадик ҳамда никор этиб келдик”, — дейди. Дарҳақиқат, қасидалар куруқ мақтов, мадҳу санолардан иборат бўлмай, уларда панд-насихат, таълим-тарбия мазмуниданги ибратли фикрлар ҳам ифодаланган. Шоирнинг “Огоҳнома” қасидаси ҳам шундола шеърятнинг юксак намунасидир.

Бобнинг учинчи фасли “Шоир шеърятинида мустақод ва таъкиъбанд жанрларининг бадий таврижи” деб номланади. Унда шоир мустақод ва таржиъбандлари бадийлиги таъкиқ этилган.

Мустақод — мумтоз шеърятинида кенг қўлланган лирик жанр. Навоий, Бобораҳим Машираб, Хушидо, Ғолий, Мунис каби ижодкорлар мустақод жанрининг ривожига улкин ҳисса қўнган. Огаҳий ҳам бир неча гўзал мустақодлар яратган. Шоир қашмига мисқуб 3 та мустақод таҳлилда қуйидаги ҳол кузатилади: биринчи мустақолида даслабки байтнинг биринчи ва иккинчи тўлиқ мисраси ва ним мисралари ўзаро қофияланган. Қолган байтларнинг иккинчи тўлиқ мисраси даслабки байтнинг тўлиқ мисрасига, ним мисралари биринчи байтнинг ним мисраларига охиридан бўлиб келган. Огаҳийнинг “Таввизу-л-ошиқин” девонидан 3 мустақолида ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Девондаги иккинчи мустақод эса бошқача тўлишига эга бўлиб, у адабиётимиз тарихида мукамал мустақод номуни деб юритилади.

³² Жумахўжа Н. Феруз — маданият ва санъат ҳомийси. — Тошкент: 1993. — 4-41.

Огаҳий бу мустазодда жанр талабларига янгилик киритган бўлиб, шеърда мавжуд бўлган битта ярим мисра ёнига яна бир ним мисра қўшган. Бу мустазоднинг қофияланишида эса биринчи байтда тўлиқ мисралар ўзаро қофияланган, шунингдек, биринчи мисранинг илк ним мисраси билан иккинчи тўлиқ мисранинг биринчи ним мисраси, биринчи ва иккинчи тўлиқ мисраларнинг иккинчи ним мисралари ўзаро қофияланган. Қолган байтларда эса тўлиқ мисралар биринчи байтнинг тўлиқ мисрасига, биринчи ва иккинчи ним мисралар ҳам дастлабки байтнинг биринчи ва иккинчи ним мисраларига қофияланган:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул,

бир ошиқи хайрон,
дийдоринга шайдо,
Бир шўйифтадур кокули мушкинга сунбул,
бир ҳоли паришон,

ҳам бошида савдо (298).

Бу мустазодда Огаҳий шеърнинг талабидан келиб чиқиб битиладиган ярим мисрасига яна бир ярим мисра қўшган. Тўғривоғи, 1 та ярим мисрани 2 та қилган. Шоир бу билан мустазоднинг шаклида янгилик қилган.

Учинчи мустазод юксак бадий маҳорат маъсулидир. Айрилиқ тунда қолган ошиқ ул ойдан қуёш каби юз очилини, ғам сели вайрон этган кўнгил уйини васли билан қайта қуриши лозимлигини бетакрор ташбеҳлар орқали ифодалаган:

Ҳажринг тунда қолмишам оч, эй моҳи тобон,

хуршид киби юз,

Кўнглум уйини сели ғаминг айлади вайрон,

васлингдин они туз.

Ялдо шабидек шоми фиқринг узоқ ўлди,

субҳидин асар йўк,

Кулбамга келиб айлади хуршиди дурахшон,

қилгил они кундуз (299).

Ушбу мустазод бадий топиломаларга шу қадар бойки, улар мумтоз адабийетимизда янгилик бўла олган. Анъанага қўра, ошиқ чеккан оҳ ўтга, оловга киёсланган. Огаҳий бунни ривожлантириб, оҳим учқуни чарх уза ҳар ён кўринади, уни юлдуз деб ўйлама ёки даврон Фарҳод каби ғам тоғини ёлғиз қаздиради каби бадий ихтиролар ярата олган.

Огаҳий таржибандлари 4 та бўлиб, улар мазкур жанрни гўзал мазмун билан бойитди. Шоир таржибандлари 5 банддан 7 бандгача бўлган ҳажмда. Биринчи таржибанд моҳиятан Алишер Навоийнинг “Наводир уш-шабо” девонидagi таржибандига монанд, бироқ вазн, қофия тарафидан фарқ қилади. Навоий ёзди:

Жаҳон қасригадур сув узра бунёд,

Чу йўк бунёди андин бўлмағил шод.

Не шод ўлгай киши бир қасринким,

Они Тенгри яратмуш меҳнатобод....

Огаҳий эса шундай ўхшашма қилади:

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас,
Онда кирган эл хавотирдин амон бир дам эмас.

Донио вайронлиғ осори анинг арқонидин,

Барча олам аҳлига маълум эрур, мувоҳам эмас... (411).

Шоир Навоий ғояларини давом эттиради, янги бадий топиломалар қилади. Огаҳий ҳам Навоий сингари бу оламни меҳнатхонага киёслайди. Навоий фикрларини ривожлантириб, ушбу меҳнатхонада шоху гадо хуррам эмаслиги, ҳар дам дарду ғам ҳужум қилиши, кўзи ёшеиз ҳамда умрининг бир дами осуда ўтган киши йўқ эканини қаламга олади.

Огаҳийнинг иккинчи таржибанди вазн нуқтаи назаридан биринчисидан фарқ қилса-да, мазмун жиҳатдан унинг мантқий даври, дейиш мумкин. Ҳар бир банд охирида такрорланадиган куйидаги байт фикримизнинг исботидир:

Олтурма кўнгулни бу жаҳонга,

Еткурма жафо азиз жонга.

Шеърда бу жаҳонни боғга киёслайди, унинг сафоси ғамга тўлган, деб таърифлайди шоир. Шунингдек, бу дунёни ноили дилбарга, золим, афсунгар, маккорга, зоти буқаламунга, ботилу қотилга ўқинилади. Ҳар бир сифатлаш изоҳини гўзал мисоллар орқали келтиради.

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,

Минг дардга мубтало қилурсан.

Қатлимга қилиб кўзингни жаллод,

Қасдимга қошингни ё қилурсан.

Ғамзанг қилиқин чекиб бошимга,

Жондин баданим жудо қилурсан.

Киприқларинг ўқларини отиб,

Бошдин аёқим яро қилурсан...

Ушбу мисралар ёр образи ва унинг жабру жафоси таърифида изчилликка эга. Юз жафо қилган маъшуқа минг дардга мубтало этар экан, кўзларини қатл учун жаллод, қошларини ёй, ғамза, ишва қилиқини ошиқ бошига тортиб, жондин баданини айради, киприқларининг ўқларини отиб, бутун танасини яра қилади. *Ишондо – шитҳо, вайрон элубон – бино қилмоқ* каби тазодлар орқали шеър гўзал бадийят намунасига айланган. Кўз, қош, киприқ орқали юзага чиққан тасвир кетма-кетлиги зулфга, яъни сочга кўчади. Маъшуқа хусн бойлигини яшириш учун сочини икки аждаҳо қилади. Ошиқнинг сабр уйини бузиб, ўзининг зулм уйини бунёд этади. Агар жабри тугаса, қайтадан яна бошланиб кетади. Ошиқ орқасига етмоқ тиласа, ёрнинг қаҳри келиб, ибто қилади. Шоир маҳорати шундаки, маъшуқанинг қаҳрини ҳам ўзига хос тасвирлайди, “қаҳринг келибон ибто қилурсан”, – дейди.

“Кичик жасрларда бадий шакл ва мазмун уйғурилган” деб номланган тўртинчи фаслда Огаҳийнинг кичик жабрлардаги маҳорати очиб берилади. А.Абдуғафуров “Таъвизу-л-ошиқин” девонидо Огаҳий кўнгалари

сони 7 та эканини айтади³⁴. Ф. Ганихўжаев шоир қитъалари сони 7 та экани ҳақида ёзиб, бироқ шоир асарлари тавсифини берар экан, девоннинг Санкт-Петербург нусхасида 13 та қитъа бор, деб қўрсатади³⁵. Шоир асарлари 6 жилднинг 2-жилдида 40 та қитъа берилган³⁶. Уларнинг 19 таси маснавий тарзда қофияланган бўлиб, жанр талабига мувофиқ эмас.

Шоир қитъалари асосан фалсафий, тасавуфий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий мавзуларда ёзилган. Ҳажми ҳам турлича. Баъзи қитъаларида панд руҳи етакчилик қилади. Диссертацияда улар батафсил таҳлил этилди.

Огаҳий рубоийлари ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат, инсонийлик, адолат, ҳиммат, илм-маърифат, комиллик ва бошқа мавзуларда яратилган. Шоир рубоийларида ишқ мавзуси етакчилик қилади. Огаҳий ёзади:

Ҳар кимки тариқи ишқ аро содиқ эмас,
Ошиқлик онингдек кишига лойиқ эмас,
Ҳар нечаки чекса туну кун оху фиғон,
Билгилки, жамоли ёрға ошиқ эмас³⁷.

Шоир ишқ тариқида содиқлик улуғ фазилат эканини, садоқатдан маҳрум кимсага ошиқлик лойиқ эмаслигини айтади. Ҳар қанча оху фиғон чекмасин, у ошиқлар тоифасидан бўла олмаслигини тавсирчан ифодалайди. Бу фикрлар Огаҳийнинг ишқ ва ошиқлик борасидаги тутумини акс эттирган.

Огаҳий рубоийларида Паҳлавон Маҳмуд ижодига ҳамоҳанглик яққол сезилади. Маълумки, тасавуфда нафси аммора қатта душман саналади. Уни бир лаҳза тинч қўйсанг, у дарров сенинг устингдан галаба қозона бошлайди. Паҳлавон Маҳмуд нафси энгган, унга шох бўлганни мард санайди:

Нафсингни энгиб, сен унга шох бўл — мардсан,
Кимсаси йўқларга паноҳ бўл — мардсан,
Номард телибон ўтар йиқилганларни,
Мискин ва ғарибга пойгоҳ бўл — мардсан³⁸.

Огаҳий Паҳлавон Маҳмуд фикрларидан ижодий қувват олар экан, мазмунни ифодалашда поэтик шакл танлашда ўзига хос йўлдан боради:

Ё Раб, мани нафс бандидан айла халос,
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос.
Ҳар ишда писандингни манга рўзи этиб,
Олам элининг писандидан айла халос (436).

Паҳлавон Маҳмуд наздида, нафси энгиш, кимсасизларга паноҳу ғарибларга пойгоҳ бўлиш мардлик ҳисобланса, Огаҳий лирик қаҳрамони Аллоҳга мурожаат қилар экан, нафс бандидан, кибру ҳаво сиртмоғидан, олам аҳлининг писандидан халос бўлишни сўрайди. Огаҳий лирик қаҳрамони мурожаати ҳам чинакам мард, жавонмард инсоннинг сўровидир.

Огаҳий табиат тасвири мавзусида ҳам гўзал рубоийлар битган. Бошқа шеърӣ асарларида бўлгани каби баҳор мадҳига, наврўз таърифига тўхталар

³⁴ Абдуғафуров А. Муҳаммад Риё Огаҳий. — Тошкент: 1999. — Б. 60.

³⁵ Ганихўжаев Ф. Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). — Тошкент: 1999. — Б. 90.

³⁶ Огаҳий. Асарлар. Олти жилдлик. Ж.2. — Тошкент: 1972. — Б. 265-275.

³⁷ Ўша манба. — Б. 440.

³⁸ Абдулҳаким М. Иймон тўҳфаси. — Тошкент: 1998. — Б. 17.

экан, барибир инсон омили биринчи ўринга чиқади. Уларнинг инсон ҳаётига бахш этадиган қувончини, бахту иқболни тараннум этади:

Эй, барча куннинг айш ила наврўз ўлсун,

Ҳам тоза йилинг саодат андуз ўлсун.

Хуришд киби мартабаи иқболинг,

Тадриж била балинду фируз ўлсун (444).

Шоирнинг киш, совук таърифига бағишланган рубоийларида эса лирик қаҳрамоннинг забун аҳволи тасвирланган.

Огаҳий рубоийларида тасавуфий ғоялар илгари сурилар экан, маънавий муҳтожлик, эҳтиёжмандлик ҳақида ҳам фикр юритилган. Бундай мисралар шоир ижодда шохбайтлар даражасига кўтарилган.

Чистон Огаҳий шеърӣ меросининг таркибий қисми сифатида атрофлича илмий тадқиқ этишни талаб қилади. Зеро, шоир чистонлари бу жанр ривожининг янги бир босқичи ҳисобланади. “Давлат” чистонда шоир ҳумо қушининг боши тўртдур, дефин билан абжад ҳисоби буйича “дол” харфи 4 рақамини, “бўйиндур олти” тасвирида “нов” харфи 6, “тани ўтгуз” ифодасида “лом” харфи 30, “дён тўрт юз” бирликмасида “те” харфи 400 рақамларини ифодалашга диққат қўради. Яқинда “Давлат” сўзи келиб чиқади³⁹. Дарҳақиқат, ушбу фикрлардан худоса қилини ўришилси, Огаҳий бадиий шакл ҳамда мазмун уйғунлигига эриша олам.

“Танга” чистони Навоийнинг шу номдаги шеърӣ топишмоғи тавсирида битилган:

У на дилбарким, тани симин ўлуб,

Бадр янглиғ сурачу сиймосидур.

Хат бутуб икки юзида сарбасар,

Зийнат афзойин рухи зебосидур.

Жуссаи тирноғ юзи янглиғ кичик,

Лек улуғлар ишқининг расвосидур (517).

Шоир байтларда танганинг тавсирини чизади. Унинг икки юзига хатлар, рақамлар битилиб зебонангани, бу кичик жусса билан улуғларни ҳам ишқиде расво, девона қилгани ташбех ва тазод орқали суврагланган. Кейинги мисраларда тасвир янада кучайди. Шоир ифодага ҳажвий руҳ бериб, қатта ижтимоий муаммони қаламга олади. Барча олам аҳли “танга”нинг савдосида экани, бой, камбағал, қарию йилг девонаю шайдолиғи, унинг висолига етишган аднолар эл ичарида эътибор қозонини, агар донода у бўлмаса, хор бўлиши донишмандлик билан ифода этилган.

Туюк — туркий шеърӣнинг хос жанрларидан. Огаҳий 10 та туюк ёзгани маълум. Шоир туюкларидан 9 таси а-а-б-а шаклида қофияланган. Уларнинг барчасида 1-, 2-, 4-мисраларда ташбех сулар маҳорат билан келтирилган. 1 та туюк 6 мисрадан иборат бўлиб, а-а, б-а, б-а тарзида қофияланган. Ушбу туюқни қитъа-туюк дефини ўришилди. Узбек мумтоз адабиётида қитъа-туюклар ҳам кўп яратилган. Абулхасан, бундай туюклар Навоий девонларида, Муноси ижодда ҳам учрайди.

³⁹ Маъжидий Р. Огаҳий лирикаси. — Тошкент: 1963. — Б. 29.

Огаҳийнинг бир туюғи қуйдагича:

Чехрасининг гарчи муҳриқ нори бор,
Бергуси доим ниҳоли нори бор.
Сигмағунг базми аро, эй муддаий,
Телмуруб турма бу ерда, нори бор (448).

Биринчи мисрада шоир ёр чехрасининг муҳриқ, яъни қиздирувчи, қуйдирувчи қизиллиги, доғи бор, дейди. Иккинчи мисрада машуқани гўзал анор ниҳолига қиёс этади. Лирик қаҳрамон рақибдан рашқ қилиб, сен унинг базмига сиймайсан, нари бор, дея қувиб солади. Огаҳий бу ерда "нори" шаклдош сўзи орқали туюқ яратган.

Огаҳий туюқлари шакл жиҳатидан бу жанр талабларига тўла мос келади. У 6 мисрालи туюқ яратиб, бу жанрда янгилик қилди. Шоир туюқларидан 6 таги ишқий мавзуда бўлиб, уларнинг ҳам баъзи ўринларида тасаввуфий гоғлар мавжуд. Қолган 4 та туюқ тўлалигича тасаввуфий қарашларни акс эттирган. Уларда "Қаноат", "Ғайб асрори", "Нафси саркаш" ҳақида сўз боради. Огаҳий бу жанрда ҳам ўзининг маҳорат сирларини кўрсата олган.

"Таввизу-л-ошиқин" девонида 1 та муламмаъ бор. У қуйдагича:

Кўнглинг жойи то дар оташи ишқат муқаррар шуд,
Чика олмай ул ўтдин як нафас ҳамчун самандар шуд.

Маълумки, муламмаъ икки тилда шער ёзишдир. Огаҳийнинг ушбу муламмаъси ҳам ўзбек ва форс тилида битилган. Бу шаклда ҳам Огаҳийнинг маҳорати яққол кўринади. Шоир кўнглинг жойи ишқ ўтида муқаррар бўлди, ўша ўтдан чика олмай бир дам самандар бўлди, дейди. Ишқ оловида қуйган кўнглининг самандарга ўхшатилиши бадий топилмадир.

Огаҳий 80 та муаммо ёзган. Шоирнинг барча муаммолари бир байтдан иборат бўлиб, улар ўзаро қофияланган. Шоир муаммолари бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшунос М.Матякубова шундай ёзади: "Огаҳий кўпроқ интиқод, тародиф, тасхиф, таълиф, исқот, хисоб, қалб каби амалларни усталик билан ишлатиб, ўзининг фикр, қарашларини ифода эта олган."⁴⁰ Кафлинг чу дуржи гуҳар сочти хар дам,
Мурад бехаддиға восил ўлди ҳосилам.

Муаммонинг биринчи мисрасидаги "дуржи гуҳар" сўзларидаги кинояга кўра, "кафлинг" сўзидаги "нун" ва "қоф" харфлари чикади. Иккинчи мисрадаги "мурад" сўзи беҳад қилинади, ундан "мим", "ре", "алиф" харфлари қолади. Мазкур харфлар тартиб билан келтирилса, "Қомрон" сўзи ҳосил бўлади.

Шоир муаммолари сон жиҳатидан салмоқли. Мазмунан ҳам бой. Огаҳий бу мураккаб жанрда Навоий, Бобур каби ижодкорлар анъанасини давом эттириб, бадий маҳоратини намоён этган.

"Образ яратиб маҳорати" номли учинчи бобнинг биринчи фасли давом эттириб, бадий маҳоратидаги ўзига хослик деб аталади. Шоир шеърятдаги образлар анъанавий бўлса ҳам, аксар ҳолларда

⁴⁰ Матякубова М. Эски эйнаги. – Урганч. 1998. – Б. 9.

талқиннинг янгилиги билан алоҳида ажралиб туради. Албатта, унда кўп қўлланган образлар ошиқ, машуқа ва рақибдир. Маълумки, ошиқ образи машуқа образи билан ўзаро яқинлик ва бирликда яратилади. Рақиб образи улар билан ёнма-ён тасвирланади.

Огаҳий наздида, ишқ шаробидан ичган киши мурод-мақсадига эришади. Ишққа гирифтор банд эса ком, яъни мақсад бодасидан сархуш бўлади. Кимники ишқ жон мамлакатини хароб қилган бўлса, у учун икки жаҳон мамлақати фаровон бўлгусидир.

Бу маҳфил ичра кимга ичирса шароби ишқ,
Айлар муроди нашъасидан комёб ишқ.

Икки жаҳон мамолики машмур бўлгуси,

Қилган кишига кишари жонин хароб ишқ.⁴¹

"Ошиқ" рақибли газали шоир томонидан бу образга қўйилган талаблар, ишқ ахлининг ёуриқюмаси, дейиш мумкин. Шоир ўзини ошиқлар аро тенгсиз ва бенаво деб атабди. Унинг наздидаги ошиқ нафсарааст эмас. Буни ишқдаги огоҳлик, дейиш мумкин. Тасаввуфга кўра, нафс – барча ёмонликлар сабабчиси. Шу бонс ҳам Огаҳий ишқга тобе бўлмасликни тарғиб қилган. Шоир шеърятдаги ошиқ образи афсонавий Фарҳод ва Мажнундан ҳам юқори ўринда турувчи, барча бало-офатларга бардош берувчидир. Айни кезде у маърифатли солиқ ҳамдир. Унга номин қасб этгани бонс афсонавий қаҳрамонларга ҳам у ишқ илмидан сабоқ боради.

Ишқ дарсин Вомику Фарҳод мандин ўрганур,

Қасби нилм этса, нетонг, ағфол устод оллида (48).

Фузулий образлар оламидан таъсирланиб, устоз ижодкор газалларига татаббулар битган шоир наздида ошиқ ишқ йўлида жонидан, жисми урёнидан, гирён кўзларидан, ҳатто иймонидан кечишга тайёр солиқ сифатида тасвирланади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай фазилятларга фақат чин ошиқларгина эга бўлади.

Огаҳий ижодида машуқа образи асосий ўринни эгаллайди. Ошиқ кўп ҳолларда унга муҳаббат тазҳор қилади, унинг бевафолигидан, раҳмеизлигидан зорланади. Баъзи ўринларда ёришиг текки дунёси очиб беришга ҳаракат қилинади, руҳий дунёси тасвири берилади. Қўччилик ҳолларда у айёр, шўх, мағрур, бепарво, вафосиз каби сифатларга қаламга олинади. Машуқа баъзи ўринларда вафодор, айрим ўринларда тулмкор сифатида таърифланади. Баъзан у ибо-ҳаёли, кўнгулга шодлик, жисмга қувват баҳш этувчидир. Ўлган ошиққа Исо Масиҳ каби ҳаёт ато қилувчидир. Шоир машуқани шундай гўзал сифатлашлар билан таърифлайдики, бунда ёришиг кинояту фазилятлари муболага орқали тасвирланади. Огаҳий машуқани *хуридон тобон*, *оби ҳайёон*, *шамъи шабистон*, *зилли Субҳон*, *саваблани Сулаймон*, *диалатли султон*, деб таърифлайди.

Огаҳийнинг шундай газаллари борки, уларда машуқа энг гўзал ташбех ва қиёслар орқали тасвирланади. Уларда ёрига шобатан таррава салбий

⁴¹ Огаҳий. Таввизу-л-ошиқин. – Тошкент. "Мунгоз сўз". 2014. – Б. 183.

қарашлар учрамайди. Уни шоир ҳаёти жовидон, Исо нишон, Гул очган гулистон, подшоҳи комрон, ғамгусору меҳрибон, Сулаймони замон, ёри қадрон, тани оромижон, дея шарафлайди.

Огаҳий ғазалларида маъшуқа хусну жамолини таърифлаш билан чеklangмайди. Ёрнинг маънан бойлиги, илмга ошнолиги, ҳатто илми ладунийдан хабардор экани тасвирланади. Маъшуқанинг маърифати бу қадар васф этилган ғазаллар эса кўпчилик ижодкорлар меросида учрамайди.

Мумтоз адабиётимизда рақиб образига кўп мурожаат этилган. У ағёр, ғайри, ўзга номлари билан ҳам юритилган. Ҳамisha ошиққа душман сифатида кўрилган. Шоир баъзан “рақиб” ўрнида “муддаий” сўзини қўлайди. Бу икки сўз замирида бир образ назарда тутилгани мисрлар моҳиятидан ҳам аниқлашлади. Маълумки, ошиқ ва маъшуқа бор жойда ағёр ҳам ҳозир нозир. Ағёр тимсоли муҳаббат оловини алангалатишга хизмат қилади. Маъшуқанинг ағёрга “марҳамати” ошиқнинг садоқатини синаш, рақибни қўзғаш учун қилинадиган тадбирдир. Ошиқ, маъшуқа ва рақиб учлигининг композицион яхлитлиги асарнинг таъсир кучини оширади.

Бошнинг “*Ижодкор маҳорати*нинг *ирфоний образ ва рамзларидан ифодаси*” деб номланган иккинчи фасли шоир шеърлятидаги тасаввуфий тимсол ва рамзлар тадқиқи бағишланган. Огаҳий шеърлятида кам учраса ҳам, ринд тимсоли ғазалнинг гоъвий кўламни, салмоқдорлигини белгилашда муҳим ўрин тутди. Жумладан, “Менга”, “Айлаб”, “Шом”, “Садқа” радифи ва бошқа ғазалларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шундай ғазаллар ва бошқа жанрдаги шеърлар борки, улар бошдан охир риндона мавзуда. “Қадах” радифи ғазал, “Соқиб, жом тараб келтурки, ишрат чоғидир” деб яқунланувчи мураббаъ ва бошқа жанрлардаги шеърлари бунинг исботидир.

Шамъ ва *парвона* Шарқ адабиётини кўп қўлланиладиган тимсоллар. Ҳар бир шоир ушбу тимсолларга ўзгача ёндашади, уларни ўз тафаккури ва ижодий салоҳиятидан келиб чиқиб талқин этади. Огаҳий ғазалида шамъ мустақил тимсол тарзида намоён бўлади. Шамъ – қуйиб ўртанувчи ошиқ, париваш ишиқда зор девона.

Огаҳий шеърлятида соқий образи ҳам фаол қўлланган. Маълумки, тасавуфда соқий маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчидир. Баъзан соқийдан мурод Кавсар ва у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Одатда, соқийга мурожаат қилинган байтда, албатта, май ҳам тилга олинади. Ўз-ўзидан бундай шеърларда риндона мазмун-моҳият акс этади. Шеърлятида май қувовчи бир қанча истилоҳлар билан юритилади: “Аёқчи, соқий, пири майхона, пири муғон, пири майқада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, муғ, муғбача, пири хаммор, майфуруш, аҳли базм каби тушунча ва тимсоллар ҳам ўзаро маънодош саналиб, инсонни камолот йўлига бошлаб, уни тарикат босқичларидан олиб ўтадиган, ...илоҳий маърифатдан баҳраманд қилиб, коммуник мақомига кўтарадиган маънавий, руҳоний раҳбар, пири муршидни аниқлатади⁴²”. Дарҳақиқат, Огаҳий шеърлятида бу образ соқийдан бошқа юқоридаги каби бир қанча номлар билан ҳам учрайди.

Огаҳий шеърлятида ориф образининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шоир орифона ғазалларида маърифат соҳиби бўлган зот ўлароқ гавдаланади. Ориф образи дунёни фалсафий идрок этиш, олам ва одам хусусида донишмандлик билан фикр юритиш устуворлик қилади. Огаҳийдаги орифлик даставвал ҳақиқий ишқни англаб етишда, нафсининг чинакам душман эканини билишда намоён бўлади. Шоир назаридеги орифнинг яна бир хусусияти қаноатдир. У бойликка қонъ, фақр аро азиз бўлишни истади.

Қонъ айлабон ганжу фақр аро азиз эткил

Ким, мани залил усру айламиш хавас, ё Раб (56).

Огаҳий ирфоний қарашларида мажоз ва ҳақиқат муносабати алоҳида ўрин тутди. Бу ҳақда адабиётшунос Н.Жабборов куйидагиларни ёзди: “Шоир лирикасидаги ирфоний моҳиятни ўрганишда мажоз ва ҳақиқат муносабати масаласи муҳим ўрин тутди. Мумтоз шеърлятида алоҳида аҳамиятга молик бу мавзун ижодкор теран мазмун ва гўзал бадий шакл уйғунлигида талқин этади. Шоирнинг “мажоз ичра қудуратлар етишган” кўнглига “ҳақиқат жомининг баъзидан сафо” етказишни сўраб, Яратганга илтижо қилиши бунинг исботидир”⁴³.

Хуллас, Огаҳий образ яратилди бой мумтоз адабий аъналардан фойдаланиб, улкан натижаларга эришган.

“Бадий санъатлар, кофия ва радиф поттикмаси” деб номланган тўртинчи боб икки фаслни ўз ичига олади. Огаҳий шеърлятидаги бадий санъатлар бўйича адабиётшунос А.Ҳожиахмедовнинг тадқиқотлари диққатни сазовор⁴⁴. Шунингдек, бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам Огаҳий шеърлятидаги бадий санъатлар масаласи қисман ёритилган. Ушбу тадқиқотда юқоридаги ишларда тўхталинмаган баъзи бадий санъатлар таҳлил қилинди.

Шоир шеърлятида “...лугатта тутун боғламок, назмда каломнинг насрода бўлмаган тутунлуги бор бўлгани учун соҳма каломни тизма қилмок”⁴⁵ маъноларини аниқлашган ақд санъати фаол қўлланган. Унга кўра, мақолнинг мазмуни муайян мақсад билан шеърга олиб кирилади. Мақолнинг мазмуни сезилиб турса-да, унинг шакли шеърини вази талабларига мослашган ҳолда янгича қиёфа касб этади, аниқроғи, у шеърга айланади⁴⁶. Огаҳий шеърлятида ҳам халқ мақолларининг мазмуни шеърини солинган ўринлар анчагина. Халқимизда “Меҳнатнинг нони ширин” демиг мақол бор. Огаҳий эса бу мақол моҳиятини қуйидаги тарзда ифодилган:

Эй ғаний, халвони таъриф этмаким фикр оқилча,

Тортибон меҳнат, толиб эрмас егини нонини лғич (99).

Огаҳий ўз шеърлятида иттифок санъатига ҳам мурожаат қилган. Иттифок (ўзаро мувофиқлашиш) маънавий енгийтириш бўлиб, форе-тожик ва ўзбек мумтоз поэзиясида унинг ишлатилиши учок даярлардан бўён мавжуд бўлса ҳам, бироқ илми бадеъга доир машхур асарларнинг кўнлида у

⁴³ Жабборов Н. Огаҳийнинг огоҳлик сирри. //Тарихкур. 2009. 2-сон. – Б. 62.

⁴⁴ Ҳожиахмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос қорларини. – Тошкент: Халқ оғриси, 1999. – Б. 176.

⁴⁵ Атоуллоқ Ҳусайний. Бадийлик - с - санъат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 144.

⁴⁶ Исҳоков Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 26.

ҳақида маълумот берилмаган. Жумладан, “Таржимон ул-балоға”, “Арузи Хумон”, “Жамъи мухтасар”, “Санъати суҳан” асарларига ва адабиётшуносликка доир луғатларга бу санъат киритилмаган. Дойи Жаводнинг “Зебойиҳон суҳан ё илми бадеъ дар забони форсий” номли асаридан иттифок ҳақида маълумот ва мисоллар келтирилган. Дойи Жавод таърифлашча, иттифок санъатиға кўра, шоир шеърда ўз номи ёки тахаллусини ниҳоятда чиройли кўринишда шундай қўлайдики, ўқувчи ҳаёлиға бир пайтнинг ўзида ана шу сўзнинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноси келади. Огаҳий шеърятда бунга мисол кўл.

Не тонг **огоҳ** бўлса **Огаҳий** ишқинг сиридинким,

Онга беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо (26).

Мана бу шеърда эса иқтибос санъати маҳорат билан қўлланган:

Ҳақ таоло ўз каломида деди: **уфу би аҳд**,

Борчаға лозимдур этмак амдо вафо (38).

Куръон ояти “Уфу би аҳд” – “Аҳдингизга вафо қилинг” маъносини англатади. Огаҳий маҳорати шундаки, бир байтнинг ўзида иқтибос санъатининг икки хил кўринишидан фойдаланган. Маълумки, оят ёки ҳадис айнан келтирилган иқтибос “дарж” дейилган. Огаҳий “уфу би аҳд” оятини айнан қўлаб “дарж” кўринишиға мисол келтирган. Иқтибоснинг иккинчи шаклида оят ва ҳадиснинг таржимаси ёки мазмунни келтирилади. Шоир юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасида “лозимдур этмак аҳдиға амдо вафо” дея оятнинг мазмунини ифодалаган.

Ташоихул-агроф санъати, Дойи Жавод таърифиға, *масбег* ҳам дейлади. Огаҳий ғазалда бу санъатдан маҳорат билан фойдаланган:

Ул юзи гул нигорнинг меҳри жамолини кўринг,

Меҳри жамоли устида **икки хилолини кўринг**.

Икки хилолини кўруб, қонмаса меҳрингиз агар,

Сафҳан орази уза нуктаи холини кўринг (91).

Огаҳий шеърятда кам бўлса-да **тавзеъ** санъати ҳам учрайди. Луғатда тарқатмоқ, тақсим қилмоқ маъносидаги бу санъатдан назм ёки нарсда оҳангдошликни юзага келтиришда фойдаланилади:

Келсун доғи қатл айласуну қонима қонсун,

Қотилвашу ошиқ қушу хунхориға айтинг (197).

Юқоридаги байтда қ ундоши қўлланилиб, оҳангдошликни юзага келтирган ва таъсирчанликни оширган.

Шоир муболага, талмеҳ, ташбеҳ, ташхис, истиора, таҷоҳули орифона, ҳусни таълил, тамсил, ирсоли масал, тафриқ, таносуб, таҷнис, лафғ ва наҳр, радд ул-ажуз ал ас-садр, тарду акс, радд ул-мағлаъ каби санъатларни қўллашда маҳорат кўрсатган. У шеърый санъатларнинг эллиқдан **ортиқ** турларини усталиқ билан қўллаган.

Агар “...шеърнинг асли қофия”⁴⁷ экани эътиборға олинса, шоирнинг бу бордаги маҳоратини ўрганиш зарурати аён бўлади. Огаҳий шеърятда ҳам қофия чинакам маънода лирик асарнинг асосига, устуниға айлана олган. Маълумки, қофия илмидаги унсурлар икки гуруҳға ажратилади: 1) муқайяд (ўзақ қофия) унсурлари; 2) мутлақ (қўшимчали қофия) унсурлари. Қофия юқоридаги унсурлар бирлашувидан ташкил топади.

Муқайяд қофия унсурларига **равий**, **қайд**, **дахил**, **ридф** ва **таъсис** киради. Ушбу қофия унсурлари қофиядош сўзлар ўзаги, яъни асосидан жой олиши ва равидан олдин келиши билан ўзига хослик касб этади. Ишда бу Огаҳий шеърятини мисолида кўриб чиқилган. Изланишлар Огаҳий шеърятда муқайяд қофиянинг барча унсурлари учрашини исботлайди. Шоир **равий**, **таъсис**, **ридф**, **қайд**, **дахил** унсурларини қўлаб, қофиянинг гўзал намуналарини яратган.

Мутлақ қофияға мансуб бўлган қофия турлари бир неча хил бўлади:

Мутлақ-и мужаррад қофия, таъсисли мутлақ қофия, таъсис ва даҳили мутлақ қофия, ридф-и аслибли мутлақ қофия, ридф-и муфрадди мутлақ қофия, ридф-и мураккабли мутлақ қофия, қайд мутлақ қофия, хуружли мутлақ қофия, таъсис ва хуружли мутлақ қофия, таъсис, даҳил ва хуружли мутлақ қофия, ридф-и аслий ва хуружли мутлақ қофия, ридф-и мураккаб ва хуружли мутлақ қофия, қайд ва хуружли мутлақ қофия, мазидди мутлақ қофия, таъсисли ва мазидди мутлақ қофия, таъсис, даҳил ва мазидди мутлақ қофия, ридф-и аслий ва мазидди мутлақ қофия, қайд ва мазидди мутлақ қофия, ридф-и мураккаб ва мазидди мутлақ қофия, нойирали мутлақ қофия, таъсисли ва нойирали мутлақ қофия, таъсис, даҳил ва нойирали мутлақ қофия, қайд ва нойирали мутлақ қофия, ридф-и аслий ва нойирали мутлақ қофия, ридф-и мураккаб ва нойирали мутлақ қофия. Мутлақ қофиянинг мана шу 25 турдан Огаҳий маҳорат билан фойдалангани тадқиқот ишида таҳлилга тортилган.

Мумтоз бадиият илмида қофиядаги кусурлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Маълумки, қофия айблари тўрттадир: **икво**, **икфо**, **синод**, **ийто**. Кузатишларимизға кўра, Огаҳий шеърятда қофиянинг кусурлари жуда кам ҳолатда учрайди. У қофия масаласига қатга эътибор билан қараган. Ҳар бир сўзға юқсақ муҳаббат ва санъаткорлик билан ёндашган.

Огаҳий шеърятда радифининг ҳам алоҳида ўрни бор. Огаҳий ғазаларида 46 та ғазал радифи икки сўзlidir. Шоирнинг “Экан оё”, “Керакмасу санға”, “Ўлганға йиларман”, “Бу неға” каби радифли ғазаллари устозлардан таъсирланиш натижаси, улар қўлланган радифлардан ижодий фойдаланиш маҳсулидир. Шоирнинг “Ўлтурмай ўлтурди”, “Қурбонинг бўлай”, “Неға келмассан”, “На ҳаз”, “Тоға йил”, “Нодиру шоз” радифли ғазаллари огаҳиёна услуб намунасидир. Шоир девонининг 2014 йилги нашрида 3 сўзли радиф қўлланган ғазаллар учта. Булар “Қалу рухсору лаб”, “Бир бўса бер”, “Ул ой тамг” радифли ғазаллардир. Огаҳий бу радифлар

⁴⁷ Шаҳ Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға (нашрга тайёрловчи, суфбитин ва шоқдор муаллифи профессор А. Ҳайитметов) – Тошкент: Хазина, 1996. – Б. 3.

оркали ифода таъсирчанлигини оширган, ижодий топилма қила олган. Булар барчаси шоирнинг радиф қўллашда маҳорат кўрсатгани далилдир.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот натижаларидан куйдаги илмий-назарий умумлашмаларга келиш мумкин:

1. Буюк ижодкорларда юксак ижодий салоҳият белгилари ёшлик кезлариданоқ намоён бўлади. Бироқ бу истеъдод катта ижодий меҳнат ва заҳмат, улуғ салафлар адабий меросини ўрганиш, улар анъаналарини янгилаш ҳисобига бойиб, тақомилга етиб боради. Муҳаммад Ризо Отаҳий, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, Тангри таоло "тилин фасоҳат ва балоғат бобида нодир, маоний жавоҳирин назм этарга қодир этган" улкан истеъдод соҳиби эди. Шоир лирикасида Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби салафлари анъаналарининг поэтик синтези кузатилади.

Отаҳий, айниқса, буюк Алишер Навоийни ўзига устоз деб билди. Навоий ижод лабораториясидан олинган сабоқлар унинг ижодий камолотида алоҳида ўрин тутади. Отаҳий улуғ салафлари ижодидан кўп нарса ўрганди, улар анъаналарини давом эттирди. Лекин ижодда салафларини ҳеч бир жиҳатдан тақрорламади, балки поэтик тақомилга етказди. Миллат бадий-эстетик тафаккурини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўша олди.

2. Отаҳий ижодий камолотида форсий шеърият анъаналарининг поэтик тақомили ҳам алоҳида ўрин тутади. Шоир форс-тожик тилидаги шеърларида бу тилда ижод қилган салафлари анъаналари доирасида қолиб кетмади. Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Жалолiddин Румий ва Бедил бадийи кашфиётларини янгилади, ривожлантирди. "Таъвизу-л-ошиқин" девонидаги "Ашъори форсий" туркумига кирган манзумалари ушбу фикрни тасдиқлайди. Уларда ирфоний моҳият етакчилик қилиб, образ ва тимсоллар оҳорли, ифода юксак бадийят мезонларига асосланган. Отаҳийнинг яна бир муҳим ютуғи шоирнинг форсча шеърлари туркий тилдаги асарларининг таржимаси эмаслигида кўринади. Шоирнинг форсий лирикаси оригинал ижод намуналари сифатида Шарқ шеърияти тақомилида алоҳида ўрин тутади.

3. Отаҳий мумтоз шеъриятнинг, деярли, барча жанрларида ижод қилди. Бу жиҳатдан, у салафлари ва замондошлари орасида юксак мавқега эга. Шоир шеъриятида ғазал етакчи ўрин тутади. "Таъвизу-л-ошиқин" девонидан 447 туркий ва 23 форсий ғазал ўрин олгани шоирнинг бу жанрда нечоғлиқ самарали ижод қилганидан дарак беради. Отаҳий ғазаллари 6 байтдан 23 байтгача бўлган ҳажмда ёзилиб, орифона, риндона, ошиқона, ижтимоий, фалсафий мавзуларга, табиат ва ов тасвирига бағишланган. Мавзу анъанавий бўлса ҳам, шоир ғазалларида бадий талқин бутунлай ўзига хос. Ижодий услуб отаҳиёна экани билан алоҳида ажралиб туради. Мисол сифатида айтиш мумкинки, "Пайдо" радифи ғазал Навоийда ҳам, Фузулийда ҳам бор. Айни шу радифи ғазалида Отаҳий бадий талқинни янгилайди, поэтик худосани янада ривожлантиради.

4. Отаҳий ғазалларидаги ижтимоий контекст шоирнинг олий ҳилқат – Инсоннинг бахт-саодати учун қайғуриш, "чархи дун"дан нолиш, шикоят йўсинида намоён бўлади. "Даври каж, таври шум, хайъати вожун гунобази давор (чархи дун) хароб ўлеун", дейди шоир. Шоирнинг мақсади "гардуни дун", "аҳли замон", "дахр эли" ҳақидаги қарашларида яхлит худосалар тарзида юзага чиқади. Бунда Отаҳий устози Алишер Навоий изидан бориб, баъзида бутун ғазални чархи дундан шикоят тарзида ёзган. Бу эса шەرға композицион бутунлик ва яқпоралик бағишлаган ("Даҳр қасриким...", "Умр", "Кўнгили" ва бошқ.). Уларда шоирнинг даврга муносабати тўлиқ акс этган, улар бошдан оёқ даврдан, ҳаётдан шикоят тарзида ёзилган.

5. Отаҳийнинг юксак поэтик маҳорати мусаммаг ва қасида жанрларидаги шеърларида ҳам яққол намоён бўлгани кузатилади. Шоир мусамматнинг мухаммас, мусаддас, мураббаъ ва мусамман шаклларида ижод қилди. У Шарқнинг улуғ шоирлари Навоий, Фузулий ва Мунис ғазалларига муносиб юксак бадийят билан йўғрилган тахмислар ёзди. Таъби худ мухаммаслари ҳам теран фалсафий мазмун ва гўзал бадий шаклни уйғунлаштиргани билан алоҳида ажралиб туради. "Неча даврон ситамидин ер уза паст бўлай", "Жаҳд этиб эмди ҳавас бандидан озод ўлоли", "Эй авжи адолат узра хуриш", "Базм тузидлар ногаҳ бир неча суманбарлар", "Дўстлар, махвашим хусну сафосини кўринг" деб бошланувчи мусаддасларда риндона, ижтимоий-фалсафий ва ошиқона мазмун бетақрор поэтик талқин этилган.

Шоир мураббаълари сони иккита бўлиб, улар ҳажман салмоқли. Биринчиси 15, иккинчиси 9 банддан иборат. Биринчисида ишқ дарду изтироблари ифодаланган бўлиб, риндона руҳда ижод этилган иккинчи мураббада ошиқ базмига ёрнинг ташрифи қувончу шодлиқлар келтиргани тасвирланган. Ижодкорнинг 4 та мусамманидан 1 таси форс-тожик, 3 таси ўзбек тилидадир. Улар шоирнинг бадий образ ва унинг талқинида юксак маҳорат эгаси эканини кўрсатиши билан қимматлидир.

6. Отаҳийнинг қасидалари сони 19 та бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 1002 байтни ташкил этади. Шоир қасидалари бу жанрга қўйилган назарий талабларга тўлиқ мувофиқ бўлишдан ташқари, улар теран фалсафий мазмун юксак бадийят билан ифодалангани жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Адабиётшунослар шартли равишда "Огоҳнома" деб номлаган қасидаси, айниқса, бу жанрнинг бетақрор намунасидир. Шоир қасидалари куруқ мактос ва мадҳ руҳида бўлмай, уларда шоирнинг иделл жамият ҳақидаги орзулари, эл шод, мамлакат обод бўлиши учун давлат раҳбарни қандай фазилатларга эга бўлиши, нималарга амал қилиши зарурлиги ҳақидаги фикрлари бадий талқин этилган.

7. "Эй ёр, санго ушбу жаҳон боги аро /уй/ бир ошиқи ҳайрон /дийдоринга шайдо/" мисраси билан бошланувчи мустамодиди ушбу жанрни янгилашга эришгани Отаҳийнинг ижодкор сифатидидаги саноҳияти нечоғлиқ баланд экани исботидир. Шоир мавжуд ярим мисра ённиги янн бир ним мисра кўшиб, мустазодни бадий жиҳатдан тақомилга етказиш. Ушбу шаклда мустазоднинг биринчи мисра илк ним мисраси билан иккинчи тўлиқ

мисранинг биринчи ним мисраси, биринчи ва иккинчи тўлиқ мисраларнинг иккинчи ним мисралари ўзаро қофияланган. Қолган байларда эса тўлиқ мисралар биринчи байтнинг тўлиқ мисрасига, биринчи ва иккинчи ним мисралар ҳам дастлабки байтнинг биринчи ва иккинчи ним мисраларига қофияланган. Ушбу жанрнинг бундай мукамал шакли бошқа шоирлар ижодида учрамаслиги Огаҳийнинг сўз санъатида тутган ўрни банд эканига далил бўла олади.

8. Огаҳий лирик меросида таржибанд жанридаги 4 та шеър бўлиб, улар мазкур жанрнинг мукамал намуналаридир. Шоир таржибандларга 5 банддан 7 бандгача ҳажмда ёзилган бўлиб, ушбу жанрга қўйиладиган назарий талабларга ҳар жиҳатдан мос келади. Таржибандларда теран фалсафий мазмун ва гўзал бадий шакл уйғунлигига эриша олгани шоирнинг бадий маҳорати юксак бўлганини тасдиқлайди.

9. Шоир мумтоз шеърятдаги анъанавий образларни фаол қўлласа ҳам, поэтик талқинни янгилайди. Сўзга ўзига хос бадий либос кийдиради. Бу хол ошиқ, машуқа ва рақиб образлари талқинида, айниқса, яқол намоён бўлади. Ушбу учлик образлар, қайси жанрда ёзилган бўлмасин, ишқ мавзудидаги шеърларнинг асосини ташкил этади. Аксар мумтоз шоирлар лирикасида ошиқ – жабрдийда, машуқа – жафокор, рақиб (ағёр) ёр лутфига сазовор экани талқини етакчилик қилади. Огаҳий шеърятда ушбу талқинга мувофиқ шеърлар ҳам бўлгани ҳолда унинг янгилангани ҳам кузатилади. Шоирнинг бир қанча шеърларида ошиқ – ёр васлидан мамнун, машуқа – вафодор, ағёр эса мағлуб ҳолда тасвириладики, бу хол Огаҳийнинг ишқий лирикага олиб кирган янгилиги сифатида баҳоланмоғи зарур.

10. Огаҳий бадий санъатларни маҳорат билан қўллашда ҳам аксар мумтоз шоирлардан ўзиб кетган, дейиш мумкин. Шоир шеърятда ақд, иттифок, иқтибос, мазҳаби каломий, ташоих ул-атроф, ружуъ, тавзеъ, тарезъ, ҳусни маглаъ, тансиқ ус-сифот, издивож, саволу жавоб, нидо, тақрир, мутақаррир, тажохули орифона, талмех, ййхом, тажнис, тамсил, таносуб, тазод, тадриж, тарду аке, ташхис, тафриқ, жамъу тафриқ, танофур, тажрид, амр ва наҳий, таъриз, иштиқок, шибҳи иштиқок, ҳусни таъйил, лаффу нашр каби санъатлар имкониятидан маҳорат билан фойдаланилган. Энг муҳими, шоир лирик асарларида санъат санъат учун эмас, теран фалсафий фикрларни гўзал поэтик шаклда ифодалаш учун хизмат қилган. Бу хол Огаҳийнинг бадеъ илмини мукамал эгаллаш баробарида ижод жараёнидан санъаткорона қўллай олганидан далолат беради.

11. Огаҳий шеърятда қофиянинг тузлишига кўра икки тури – муқайяд ва мутлак қофиядан маҳорат билан фойдаланилган. Лирик асарларида муқайяд қофиянинг *равий*, *қайд*, *дахил*, *ридф* ва *таъсис* каби барча унсурлари қўллангани шоирнинг қофияга бўлган алоҳида эътиборидан дарак беради. Бу эса, ўз навбатида, шеърнинг оҳанги ва ритми мукамал бўлишини, теран мазмунни таъсирчан ифодалаш имконини яратган. Шоир ижодий нияти бетакор бадий талқин этилишини таъминлаган.

12. Огаҳий шеърятда мутлак қофиянинг: 1) мутлак-и мужаррад; 2) таъсисли; 3) таъсис ва дахилли; 4) ридф-и аслийли; 5) ридф-и муфрадли; 6)

ридф-и мураккабли; 7) қайдли; 8) хуружли; 9) таъсис ва хуружли; 10) таъсисли, дахил ва хуружли; 11) ридф-и аслий ва хуружли; 12) ридф-и мураккаб ва хуружли; 13) қайд ва хуружли; 14) мазидли; 15) таъсис ва мазидли; 16) таъсис, дахил ва мазидли; 17) ридф-и аслий ва мазидли; 18) қайд ва мазидли; 19) ридф-и мураккаб ва мазидли; 20) нойирали; 21) таъсисли ва нойирали; 22) таъсис, дахил ва нойирали; 23) қайд ва нойирали; 24) ридф-и аслий ва нойирали; 25) ридф-и мураккаб ва нойирали сингари турларидан маҳорат билан фойдаланган.

13. Мумтоз қофиянинг *иқфо*, *иқфо*, *синод*, *ийто* сингари қусурлари борлиги назарий манбаларда зикр этилади. Огаҳий лирик асарларида қофиянинг бу каби қусурлари камдан-кам ҳоллардагина учрайди. Бу ҳолат, шоирнинг қофия қўллашга қатта масъулият билан ёндашганидан далолат беради.

14. Радиф шеърда муайян мазнони кучайтириб, ургулаб ифодалаш вазифасидан ташқари, вазини белгилашда ҳам алоҳида ўрин тутади. Огаҳий лирикасида бир сўздан иборат ҳамда икки ва уч сўзли бирикмалардан таркиб топган радифлар қўллангани кузатилади. Шоирнинг 46 та ғазалда радиф икки сўздан иборат бирикма орқали ифодаланган. “Экан оё”, “Керакмасму санга”, “Ўлганга йигларман”, “Бу нега” каби радифли ғазаллари улут салафлари анъаналари самараси бўлса, “Ўлтурмай ултурди”, “Қурбонинг бўлай”, “Нега келмасан”, “На ҳаз”, “Тоza йил”, “Нодир шоз” радифли ғазаллари огаҳиёна услуб намунаси экани билан қимматлидир. Булдан ташқари, шоир “Қалу рухсору лаб”, “Бир бўса бер”, “Ул ой ғами” радифли уч сўзли бирикмадан таркиб топган радифларни ҳам маҳорат билан қўллаган. Шоир лирик асарларидаги радифлар ифода таъсирчанлигини оширган, шеър оҳангдорлигини таъминлаган, бадийятни юксалтиришга хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Ризо Огаҳий шеърятнинг жанр кўлами ва образлар поэтикасига кўра ҳам, бадий санъатлар, қофия ва радиф қўллаш борасида ҳам эътиборга молик бадий кашфиётлар қилди. Буюк салафлари ижодий анъаналарини муносиб давом эттириш баробарида тақомиллаштириб, бадийятнинг янги юксак даражасига олиб чиқди. Ўзбек мумтоз шеърятни ривожда янги босқични бошлаб берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.46.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

На правах рукописи
УДК 821.512.133-1

ГАЙИПОВ ДИЛШОД КАДАМБАЕВИЧ

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО АГАХИ

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020-2.DSc/F122.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) на веб-странице научного совета (il-ik.uzlit.ru), а также на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный консультант:

Хаккулов Ибрахим
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Балтабаев Хамидулла Убайдуллаевич
доктор филологических наук, профессор

Джаббаров Нурбай Абдулхамидович
доктор филологических наук, профессор

Кобилова Зебохон Бакировна
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «10» сентября 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.F1.46.01 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 100047, Ташкент, проезд Шахрисабз, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail:uzlit@uzsci.net.

С диссертацией можно ознакомиться в Основной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за №___). Адрес: 100100, Ташкент, улица Зейллар, 13. Тел.: (99871)262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «14» ноября 2021 г.
(Протокол реестра рассылки № _____ от «___» _____ 2021 г.)

Н. Каримов,
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
д. филол.-наук, академик

Р. Баракаев,
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,
канд. филол. наук

У. Хамдамов,
Заместитель председателя при научном совете по присуждению ученых степеней, д. филол. наук



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с тем, что жизнь и творческая деятельность писателей, их художественное мастерство, специфические особенности творческой лаборатории, место художественного произведения в развитии художественно-эстетического мышления определенного народа или всего человечества имеет важное научно-теоретическое и практическое значение в литературе всех народов с точки зрения традиционности и преемственности. Это объясняется тем, что всегда важно передавать будущим поколениям творческое наследие талантливых писателей, которые используют силу воздействия и потенциал художественной литературы для освещения круга тем, которые служат повышению духовности человечества.

В мировом литературоведении достигнуты весомые результаты в области изучения проблемы художественного мастерства писателя во взаимосвязанности с вопросами эволюции поэтического мышления, творческого замысла автора и формами его проявления, поэтики жанра и образа, методов воплощения художественно-эстетического идеала. По этой причине, систематическое исследование особенностей творчества поэтов и писателей, занимающих определенное место в развитии той или иной национальной литературы, а также дальнейшее усовершенствование научных опытов в данной области имеет особое значение в развитии литературоведения.

В узбекском литературоведении были достигнуты определенные результаты в аспекте изучения секретов художественного мастерства классических поэтов и писателей нашей страны. «Внимание к литературе, искусству и культуре – это, прежде всего, внимание к нашему народу, внимание к нашему будущему». В связи с этим, обогащение данных исследований новыми научными результатами, отвечающими требованиям современности, а также их эффективное использование на пути развития духовности общества представляет собой особую необходимость. Изучение творчества видного представителя узбекской литературы, поэта, историка и переводчика Мухаммада Риза Агахи (1809 – 1874) на основе вышеуказанных требований является научно необходимым условием. Отсутствие монографических исследований лирических произведений поэта с точки зрения художественного мастерства – явное подтверждение нашей мысли. Исследование литературно-эстетических факторов художественного мастерства, изучение мира образов и жанров лирики Мухаммада Риза Агахи, внесшего огромный вклад в дело поднятия узбекской классической литературы на мировой уровень после великого поэта и мыслителя Алишера Навои, является одной из неотложных задач национального литературоведения. Одним из приоритетных направлений, находящихся в

¹ Мирзиёев Ш.М. Развитие литературы и искусства, культуры – важный фактор повышения духовности нашего народа. – Выступление Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на встрече с представителями творческой интеллигенции Узбекистана // Халк сўзи, 2017. 4 август.

центре внимания современного литературоведения, является системное исследование прозаического наследия великого поэта в разрезе рифмовки, использования редифа, художественных средств, представляющих основу поэтического мастерства. Все это обуславливает актуальность темы данной диссертации.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года, № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, № ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» 13 сентября 2017 года, распоряжения Кабинета Министров № 124-Ф «О проведении международной конференции “Актуальные вопросы изучения и популяризации за рубежом узбекской классической и современной литературы”» от 16 февраля 2018 года, а также Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 238 «О праздновании 210-летнего юбилея Мухаммад Ризо Эрниеъбек угли Огахи и организации школы творчества Огахи в городе Хива» а также в других нормативно-правовых актах по данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.²

Работы, направленные на исследование важнейших проблем классической литературы Востока, литературной среды, традиций, масштаба поэзии, осуществляются в ведущих научных центрах мира, в частности, в Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Турция); университеты Oxford,

Cambridge (Великобритания); Балхский государственный университет (Афганистан); Aligarh Muslim University, Delhi University (Индия); Nizami adina adabiyat institute (Азербайджан); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институты забон, шаркшинос ва мероси хатти ба номи Рӯдакӣ (Таджикистан); Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Национальный университет Узбекистана, Ташкентский государственный университет востоковедения, Самаркандский государственный университет, Бухарский государственный университет, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ургенчский государственный университет.

В результате исследований, направленных на изучение проблем поэтики в мировой литературе, был получен ряд научных результатов, в том числе следующие: определена эволюция, генезис и совершенствование поэтических жанров, раскрыты тематическое разнообразие, вопросы художественного образа, литературно-эстетические факторы особенности создания образа, поэтика жанров его лирики, описаны особенности создания образа, использования художественных средств, мастерства по выбору стихотворного размера и рифмы, изучено содержание суфитских символов в целом (Ataturk Universitesi, Naci Bayram Veli Universitesi (Турция); Michigan davlat universiteti (США); Nizami adina adabiyat institute, Voku davlat universiteti, (Азербайджан); Институты забон, шаркшинос ва мероси хатти ба номи Рӯдакӣ, Садриддин Айний номидаги тожик давлат педагогика университети (Таджикистан); Институт узбекского языка, литературы и фольклора, Национальный университет Узбекистана, Ташкентский государственный университет востоковедения, Самаркандский государственный университет, Бухарский государственный университет, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Ургенчский государственный университет).

В мировом стиховедении поэзии на основе новых подходов к проблемам художественности проводятся научные исследования по следующим приоритетным направлениям: усовершенствование выявления особенностей классической поэзии Востока, применение современного подхода к анализу классической поэзии, разработка критериев проявления своеобразности и традиционности суфитского учения.

